

№ 1
2019 йил

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ISSN: 2181-9416

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



2019 йил — “Фаол ижтимоий рив



2018 йилда бошлаган ишларимизни мантиқий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида, мен кириб келаётган янги – 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном беришни таклиф этаман.


Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ

инвестициялар ва ожланиш йили”



“Йилга бундай ном берганимиз барчамизга жуда катта вазифалар ва масъулият юклайди. Инвестицияларни қандай қилиб кўпайтирамиз, ижтимоий муаммоларни қандай ҳал қиламиз, деган саволлар олдимизда кўндаланг бўлиб турибди.”

“Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади.”



“Буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратлари “Муваффақиятни – саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса – лоқайдлик ва дангасалиқда кўрдим”, деб бежиз айтмаганлар.

Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз.”

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Фарҳод ПРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Академияси катта
ўқитувчиси, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти комплекс ҳуқуқий тартибга солинадиган кенг кўламли муносабатлар тизимидан иборат бўлиб турли ҳуқуқ тармоғи нормалари билан тартибга солинади. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиниши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг асосий ҳуқуқ ва манфаатлари маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида амалга оширилади. Шу сабабли уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар комплекси доирасида ҳам тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқларини амалга ошириш, имтиёз ва преференцияларни ўзлаштиришда уларнинг ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилиш доимий зарурат сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг иқтисодий мазмуни ҳам мавжуд. Хусусан, қатор адабиётларда давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг асосий шаклларида бири сифатида ушбу фаолиятни қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Жумладан, С.Н. Шишкин тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ушбу фаолиятни

ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий шаклларида бири сифатида таъкидлайди. Р. Хасанов ҳам шу мазмунда фикр билдириб, маъмурий усуллар ёрдамида хусусий мулк ва тадбиркорлик эркинлиги дахлсизлигини ҳимоялаш ва кафолатлар бериш, монополияни чеклаш ва ҳалол рақобатни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий тартибларга риоя этилишини назорат қилиш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш таъминланади, деб ҳисоблайди. В.А. Мамонтов эса тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини тадбиркорлик фаолияти соҳасида оммавий манфаатларнинг ҳуқуқий таъминлаш шаклларида бири сифатида таъкидлайди. Беларусь Республикасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасида ҳам кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга ошириш кичик ва ўрта





тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шу ўринда айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурати ушбу фаолиятнинг иқтисодий хусусиятлари билан боғлиқ ҳисобланади. Бинобарин, ижтимоий ҳаётда муайян субъектлар ўзлари жисмоний-биологик, руҳий-психологик ва ҳатто социал ҳолати бўйича алоҳида ғамхўрлик, муҳофазага муҳтож бўлади.

О. Оқюлов ва Ф. Отахоновлар ҳуқуқий ҳимоя тизимининг ҳуқуқ субъектларини ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини нормал амалга оширишни таъминлаш, уларни ҳар қандай бузилишлар ва тажовузлардан сақлаш мақсадида қўлланиладиган, ҳуқуқ нормаларида белгилаб қўйилган юридик таъсир чораларини ва уларнинг амал қилишини таъминловчи институционал, процессуал нормалар мажмуидан иборат деб тушунтиради. Бироқ бизнинг назаримизда, ҳуқуқий ҳимоя тизими, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими анча кенг мазмунга эга бўлиб, ўз олдига мақсад сифатида юқоридагилардан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга нисбатан етказилган зарар ва зиённи бартараф этиш (қоплаш) ни ҳам қўяди.

Тадбиркорлик фаолияти ўз хусусиятига кўра, муайян иқтисодий ҳуқуқлар жамланмаси ҳисобланади, ана шу иқтисодий ҳуқуқларни амалга ошириш, аввало, давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда ҳуқуқий ҳимояси тадбиркорлик субъектлари учун ҳаётий зарурат ҳисоб-

ланади. Г.Е. Ликиннинг таъкидлашича, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) иқтисодий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи; 2) товарлар ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи; 3) товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва улардан кейинчалик даромад (фойда) олиш ҳуқуқи; 4) ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кабилар. Ушбу ҳуқуқларнинг ҳар бирини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари учун давлатнинг махсус руҳсати, маъмурий назорати ва кўмаги ҳамда ҳимояси зарур. Шу маънода ҳам тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришда давлатнинг доимий иштироки зарурат ҳисобланади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш иқтисодий нуқтаи назардан иқтисодиётни давлат томонидан (императив) тартибга солишнинг бир шакли, ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг муҳим функцияси ҳисобланади.

Аммо ҳуқуқшунос муаллифлар ўртасида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида яқдиллик мавжуд эмас. Кези келганда таъкидлаш жоизки, ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам, мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари, асосан, цивилистик ва конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганилган ва тадқиқ этилган. Тўғри, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик ҳуқуқи бирламчи характерга эга. Аммо, бу масалага фақатгина хусусий-ҳуқуқий



нуқтаи назардан ёндашув, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида илмий-назарий ва концептуал бўшлиқни вужудга келтирган. Ҳалигача тадбиркорлик субъектларининг давлат органларига юқори даражада маъмурий қарамлиги сақланиб қолган. Тадбиркорлик субъектлари ўзларининг кўплаб асосий ҳуқуқларини амалга оширишларида маъмурий рухсат бериш ва мажбурий келишиш тартиботларидан ўтишлари шарт.

Бинобарин, қанчалик таажжубли туюлмасин, МДХ мамлакатларида давлат тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини, аввало, ўзидан ҳимоя қилиш чораларини кўради. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг XVI бобини (Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик) мисол сифатида келтириш жоиз. Шунингдек, бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам «Юртимизда тадбиркорлик нима учун кутилган даражада ривожланмаяпти? Чунки, бу соҳа вакилларини асосиз ра-

вишда текшириш ҳолатлари кўп. Очигини айтганда, тадбиркорликнинг эркин ривожланишига ўзимиз – давлат идоралари йўл қўймаймиз. Ҳеч кимга керак бўлмаган тартиб-таомиллар ҳамон сақланиб қолмоқда, жойларда кўпгина амалдорлар фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўрмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, машҳур давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг бир гапи беихтиёр эсга тушади. Қаранг, у нима деб ёзган экан: «Баъзилар тадбиркор деганда соғин сигирни, фақат санокли одамларгина тадбиркор деганда оғир аравани тортаётган меҳнаткаш отни тушунади» деб таъкидлаган эди.

Гап шундаки, ушбу мамлакатларда кўп йиллар давомида (яъни собиқ Иттифоқ даврида) хусусий мулкчилик ҳамда хусусий иқтисодий фаолият ҳуқуқий ва мафкуравий-сиёсий таъқиқ остида бўлганлиги учун давлат идоралари ва ҳокимият тузилмаларида бозор иқтисодиёти, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолиятига ёт кўзлар билан қараш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳоллари мавжуд эди. Бу борада О. Оқюлов «Совет даврида адабиёт ва санъатда салбий бой тадбиркорлар образи, ижобий камбағаллар образи, илм-фанда хусусий мулкчилик, тадбиркорлик психологиясини ёки инсоний, зарарли эканлиги зўр бериб кишиларга тикиштирилди, уларда муайян дунёқараш шакллантирилди», деб таъкидлайди. Шунингдек, С.Д. Норкулов ҳам эски иқтисодий муносабатларни ўзгартириш осон бўлмаганлигини, ондаги стереотиплар хусусий мулкнинг шаклланишига тўсиқ бўлганлигини қайд этади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектларининг давлатга маъмурий-императив қарамлиги, тадбиркорлик субъекти ўзи учун «хаётий» аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ва молиявий ҳуқуқларини амалга оширишда маъмурий рухсатнинг талаб этилиши улар ҳуқуқ ва манфаатларининг маъмурий тартибда бузилишининг юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Шундай қилиб, юқоридаги ҳолатлар ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз миллий қонунчилигида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий тартибда ҳимоя қилишнинг махсус тизими ҳамда институционал тузилмаларининг шаклланишига таъсир этди.

Бизнинг фикримизча, амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилига асосан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари маъмурий-ҳуқуқий ҳимоянинг объекти сифатида қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг маъмурий-ҳуқуқий кафолатларида; иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг белгиланишида; учинчидан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун интизомий жавобгарликнинг белгиланишида; тўртинчидан, ваколатли субъектларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятида.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг маъмурий-ҳуқуқий кафолатлари ўз мазмунига кўра, олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ва бошқа субъектлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши ҳолатларининг ҳамда маъмурий чекловлар, ортиқча тартиботлар ва коррупцион омилларнинг олдини олишга йўналтирилади ҳамда ҳуқуқий ҳимоя тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими, биринчи галда, бу борада кафолатли муҳитни вужудга келтириш ва уни сақлаб туришга йўналтирилади.

Дунёвий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган онгли истак кўп ҳолларда гайриқонуний тарзда ўзганинг мулкига

эгаллик қилиш ёки ундан гайриқонуний фойда кўриш, мулкдордан тамағирлик ва пора олиш шаклида ифодаланади. Тарихий тараққиётнинг исталган барча даврларида тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки ва мулкый ҳуқуқларига дахл қилиш ҳоллари мавжуд бўлган. Аиникса, бундай ҳолатнинг энг хавфлиси ҳокимият вакили бўлган субъектларнинг ҳокимият ваколатларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши ҳисобланиб катта ижтимоий ва иқтисодий ҳатто маънавий йўқотишларга сабаб бўлади.

Ю.Ю. Илюхинанинг таъкидлашича эса, тадбиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатларини қуйидаги шаклларда таснифлаш мумкин: тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни бошлашдаги кафолатлар; тадбиркорлик фаолиятини қаршиликларсиз, мустақил амалга ошириш кафолатлари; тадбиркорлик фаолияти натижасидан олинган даромадга мустақил эгаллик қилиш кафолатлари; тадбиркорлик фаолиятидаги ҳуқуқларни қонуний амалга ошириш кафолатлари; тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан чеклаш ёки қисқартиришга йўл қўймаслик кафолатлари. Афтидан, бундай ёндошув унчалик тўлиқ эмас. Бу ерда муаллиф фақатгина тадбиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқлар билан боғлиқ кафолатларни санаб ўтган. Аммо тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари анча





кенг мазмунга эга ва бу борада таҳлил юритишда амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига таянмоқ лозим. Чунки, кафолатлар ҳуқуқ нормалари билан мустақамланмас экан у шунчаки фикр бўлиб қолади.

Фикримизча, амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлиliga кўра тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатловчи нормалар ўз мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини тан олувчи нормалар (масалан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида тадбиркорлик субъектларининг асосий ҳуқуқлари белгилаб қўйилган).

тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини тўсиқларсиз ва монеликларсиз амалга оширишни назарда тутувчи нормалар (масалан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-боби);

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларига бошқа субъектлар томонидан дахл қилинишининг олдини олишни кафолатловчи нормалар (масалан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 18-моддасининг 1, 2-қисмлари);

тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашни назарда тутувчи нормалар (масалан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғри-

сида»ги қонуннинг 18-моддасининг 3-қисми, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси);

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилиши мумкин эмаслигини белгиловчи ва бузганлик учун жавобгарлик мавжудлигини назарда тутувчи нормалар (масалан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг XVI1 боби);

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар. Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, аввало, ўзидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларидан ҳимоя қилади. Амалдаги МЖТКнинг XVI1 бобида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу ерда фақатгина давлат номидан фаолият юритувчи субъектлар (назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат орган ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчилари) томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик идоравий таъсир чораси ҳисобланади. МДХ мамлакатларида мансабдор шахслар ва хиз-

матчиларнинг интизомий жавобгарлиги, асосан, бир хил юридик концепцияга эга бўлиб, унга кўра: «меҳнат интизомини (ёки хизмат интизомини) бузганлик учун» интизомий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган ҳамда интизомий жавобгарлик маъмурий жавобгарлик билан бир хил юридик мақомга эга. Бироқ интизомий жавобгарлик маъмурий жавобгарликдан фарқли ўлароқ нисбатан кенг қамровли қўлланилади.

Мансабдор шахс ва хизматчиларнинг интизомий жавобгарлиги учун махсус ҳуқуқий муҳит яратилган бўлиб, бунда бир қатор ҳолларда интизомий жавобгарлик маъмурий жавобгарликка нисбатан бирламчи хусусиятга эга. Масалан, МЖТКнинг 16-моддасида белгиланишича, ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахслар муайян ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлсалар ҳам интизомий жавобгарликка тортилади.

Бизнингча, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик вужудга келишини куйидаги икки асосга ажратиш мумкин: биринчидан, тадбиркорлик субъектларини МЖТКнинг тегишли моддалари билан тўғридан-тўғри муҳофаза этиладиган ҳуқуқ ва манфаатлари бузганлик учун келиб чиқадиган интизомий жавобгарлик; иккинчидан, тадбиркорлик субъектларининг МЖТК билан тўғридан-тўғри муҳофаза этилмайдиган ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун келиб чиқадиган интизомий жавобгарлик.

Интизомий жавобгарлик идоровий жавобгарлик бўлганлиги сабабли бу борада ягона амалиёт ва мезонлар мавжуд эмас. Барча ҳолларда интизомий жавобгарлик идоровий тартибда ва идоровий ҳужжатлар билан белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, интизомий жавобгарликнинг мақсадга мувофиқ ва асосли ҳамда адолатли қўлланилишини шубҳа остида қолдиради.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ваколатли субъектлар томонидан ҳимоя қилиш. Ваколатли

субъектлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчидан, давлат бошқарувини амалга оширишнинг бир шакли сифатида, иккинчидан эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси сифати намоён бўлади.

Айниқса, ижроия ҳокимият субъектлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, умумкомпетенцияларидан келиб чиқиб уларнинг бу борадаги ваколатларини умумий ҳамда махсус ваколатларга ажратиш мумкин.

Умумий ваколатлар доирасида асосан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ ваколатлар амалга оширилади. Ижроия ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги умумий ваколатлар асосан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш учун йўналтирилади.

Махсус ваколатлар доирасида эса бевосита тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид ҳуқуқни қўллаш фаолияти амалга оширилади ва айнан шу жараёнда ҳимоя қилиш функцияси ҳаракатга келади.



ҲУҚУҚИЙ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ



Илҳом НАСРИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 5 апрелда Ф-5464-сонли “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши мамлакатимизнинг ҳуқуқий-ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётида муҳим воқелик бўлди.

Фармойишда 1995-1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “ўтиш даври”ни кенг қўламли ўзгаришларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнаганлиги, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг янги босқичи иқтисодий янада либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берганлиги таъкидланади.

Аммо, бугунги кунда Фуқаролик кодексида бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, халқаро рейтингда мамлакат ўрнини яхшилашга салбий таъсир кўрсатувчи жиддий камчилик ва бўшлиқлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Ислохотларни янада чуқурлаштиришга халақит бераётган фуқаролик қонунчилигидаги камчилик ва бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Фармойиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишларини ўзида акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир.

Бунда устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар назарда тутилмоқда.

Биринчидан, фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва унификация қилиш, уларнинг энг намунали хорижий амалиётлар билан уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳада илғор халқаро стандартларни имплементация қилиш;

иккинчидан, хусусий мулкнинг дахлсизлиги кафолатларини таъминлайдиган, жисмоний ва юридик шахсларнинг, айниқса тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни белгилаш;

учинчидан, оммавий ва фуқаролик ҳуқуқ нормаларини аниқ чегаралаш, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига асосланган, ўз аҳамиятини йўқотган ва эскириб қолган қоидаларни чиқариб ташлаш;

тўртинчидан, давлат-хусусий шериклиги, кластерлик ишлаб чиқариши, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкаларини хусусийлаштириш, улушли қурилиш ва бошқа замонавий фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ва иқтисодий муносабатлар шаклларини ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш.

Ҳар бир устувор йўналишлар бир қатор субинститутларни ўз ичига қамраб олади. Фикримизча бир-бири билан чамбарчас боғлиқ мазкур субинститутларни комплекс такомиллаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг янги



босқичига кўтарилади.

Қувонарли яна бир жиҳати шундаки, Фармойиш билан “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси” тасдиқланди.

У преамбула ва бешта қисмдан иборат. Концепциянинг кириш қисмида фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим қоидаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси тез ривожланаётган иқтисодий муносабатлар талабларига ва халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бераётганлиги сабаблари санаб ўтилган. Шу билан бирга бу муаммоларни ҳал қилишнинг йўллари кўрсатиб ўтилган. Бинобарин, Фуқаролик кодексида, биринчидан, эскирган ҳуқуқий институтлар, шунингдек бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатлар ҳуқуқий тизимида мавжуд бўлмаган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари сақланиб қолинаётганлиги;

иккинчидан, “тижорат таваккалчилиги”, “хўжалик юритувчи субъектлар тенглиги”, “адолатли компенсация”, “шартномавий мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш” каби анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий институтларнинг мавжуд эмаслиги;

учинчидан, замонавий бозор шароитларида талаб этиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ва муносабатларнинг алоҳида шакллари, шу жумладан, давлат-хусусий шериклиги, дилерлик шартномаси, улушли қурувчилик, кластер ишлаб чиқариш, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкасини хусусийлаштириш ва

бошқаларни тартибга солишнинг назарда тутилмаганлиги;

тўртинчидан, кўп миқдордаги ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланишига тўсқинлик қилаётганлиги ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бора-сидаги мақомини пасайтираётганлиги;

бешинчидан, бир-бирига ўхшаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги қоидалар аралашмасидан ташкил топган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларида кўплиги;

олтинчидан, Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқи институтларига таалуқли бўлмаган оммавий ҳуқуқ нормалари, хусусий мулк ва шартномавий муносабатларига оид асосланмаган миқдорда чекловлар мавжуд;

еттинчидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи қоидалар деярли мавжуд эмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Фармойишга биноан 2020 йил 1 апрелга қадар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда ваколатли органлар кўриб чиқишига киритиш вазифаси юклатилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини такомиллаштирилиши Кодекснинг тегишли матнларининг конструктив ва мазмун элементларини тубдан ўзгартирилиши-

га олиб келади, шунингдек кодекснинг айрим институтлари ва нормалари тубдан янгиланади, бозор иқтисодиёти шароитларига мос келмайдиган ёки юридик техника қоидаларини бузадиган мавжуд қоидалар чиқариб ташланади. Бунда асосий вазифа товарлар, ишлар, хизматлар бозори қоидаларини халқаро стандартларга биноан белгилашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясининг биринчи қисми Фуқаролик қонунчилиги нормаларини унификация қилиш ва тизимлаштириш мақсадини кўзда тутди. Бунда, аввало фуқаролик қонунчилиги инвентаризациядан ўтказилади, атама ва тушунчаларга таъриф берилади, турлича шарҳлашга имкон берадиган нормалар чиқариб ташланади, ҳаволаки нормалар қисқартирилади, ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизиялар бартараф қилинади. Иккинчи қисм Асосий фуқаролик-ҳуқуқий институтларни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг амалдаги принциплари такомиллаштирилади ва янгилари жорий этилади, Тушунча (атама) лар қайта кўриб чиқилади, янги тушунчалар киритилади, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини виждонан ва муносиб амалга оширишни таъмин-

лашга қаратилган чора ва воситалар такомиллаштирилади, зарарни ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилади, вакиллик институти такомиллаштирилади, эр-хотиннинг биргаликдаги васиятномаси ва мерос шартномасига оид қоидалар киритилади, меросни қабул қилиб олиш муддатлари белгиланади, халқаро ҳусусий ҳуқуқ нормалари қайтадан кўриб чиқилади. Учинчи қисм эса, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилган қатор янгиларни амалга оширилишини назарда тутмоқда. Хусусан, мулк шаклларини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, ерга бўлган ҳусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмларини жорий этиш, шунингдек, битимлар институти, инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибини такомиллаштириш, шартнома тузиш эркинлигини кучайтириш, шартнома барқарорлигини таъминлаш, коорпоратив муносабатларини фуқаролик кодексининг тартибга солиш предметиға киритиш, хорижий тижорат ташкилотлари филиалларининг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Концепциянинг тўртинчи қисми замонавий шароитларда талаб юқори бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг инновацион шакллари ва таомилларини жорий қилишни, чунончи фуқаролик-муносабатларда ахборот коммуникация технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, хусусан, крипто-активлар айланмасини ривожлантириш, электрон тижоратдан кенг фойдаланиш, электрон майдончалар орқали харидларни амалга ошириш бўйича имкониятларни кенгайтириш, гаровни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш, шахсий номулкий ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш ва бошқаларни назарда тутди. Концепциянинг бешинчи қисми эса, уни амалга оширилишидан кутилаётган натижаларга бағишлан-





ган бўлиб, бунда айнан бу борадаги қонун ҳужжатларини ткомиллаштирилиши нималарга имкон беришлиги қайд этилган. Бунда, аввало иқтисодиётни янада либераллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилади, иқтисодиётда давлатнинг иштироки қисқаради, мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилади, хусусий мулкнинг устивор роли таъминланади, ишбилармонлик муҳити ва инвестицион иқлим яхшиланади, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрни кескин ошади.

Фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим қоидаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси фуқаролик қонун ҳужжатлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бу кодекснинг бозор мурватларини қанчалик ҳаракатга келтира олиш қобилиятига қараб ё иқтисодиётда товарлар, хизматлар, ишлар фуқаролик муомаласида эркин ҳаракатланади ёки давлатнинг аралашуви, маъмурий тўсиқлар, шунингдек ҳуқуқий бўшлиқлар сабаб бу муносабатларнинг ривожланиши секин кечади. Шу боис бўлса керак бу кодексни иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимлар “бозор конституцияси” ҳам деб аташади. Бундай дейилишининг сабаби бозор иқтисодиёти мулкӣ, мулк билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларни муттасил ривожланишини тақазо қилади, янги-янги хизмат турлари, турли иш бажаришлар, товарларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хиллари вужудга келверади. Албатта, бундай хизматлар, ишлар, товарларнинг фуқаролик муомаласи билан боғлиқ муносабатлар айнан фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга соли-

нади. Бу ерда муносабатга киришувчилар бир-бирига бўйсунмайди, улар тенг. Чунки, сотувчи, олувчи, хизмат кўрсатувчи, иш бажарувчи. хизматдан, ишдан фойдаланувчилар буларнинг бари айнан шундай муносабатларда тенг ҳисобланадилар. Бундай тоифадаги хусусий ишлар аралашувни “ёқтирмайди”. Аммо, Президентимиз Фармойишида назарда тутилган камчилик ва қонунчиликдаги бўшлиқлар хусусий ишларни тараққий этишига тўсиқ бўлмоқда. Қонун нафақат мавжуд муносабатларни, балки, вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни ҳам тартибга солишга қодир ва шай турмоғи лозим. Биз бугун фуқаролик қонун ҳужжатлари борасида бундай дея олмаймиз. Ривожланиб бораётган иқтисодиётимизга “тўсиқ” бўлиб турган эски тузум рудиментларидан тезроқ халос бўлишимиз лозим.

Ҳақиқатан, Фуқаролик кодексидаги хусусий мулк, айниқса оммавий мулк мақомига оид моддалар бирмунча мавҳум характерга эга. Назаримизда эндиликда буларнинг тушунчаси, ҳуқуқий режими, объектлари ёки субъектларининг ваколатлари аниқ белгиланади. Амалиёт кўрсатишича, оммавий мулк ҳуқуқи субъектлари (республика, муниципалитет) томонидан мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилишнинг тартиби, мол-мулкнинг бир субъектдан иккинчисига ўтказиш шартлари конкретлаштирилмаган. Бу ўз навбатида оммавий мулк ҳуқуқи субъектларининг ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишга нисбатан баъзан бепарқ муносабатда бўлишларига олиб келмоқда.

Аввало, муниципал мулк мақоми аниқлаштирилмоғи, шунингдек давлат



мулкни маъмурий-худудий тузилмаларга бериш (ўтказиш) жараёни мукамал тартибга солилмаган. Шу сабабли маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз балансларидаги мол-мулкларига нисбатан муносабатда мулкдорлик ҳисси сезилмайди.

Бундан ташқари, Фуқаролик Кодексида белгилаб қўйилган, бошқа давлатларнинг ҳуқуқ тизимлари учун номаълум бўлган ҳамда ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг ривожланишига маълум маънода ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши эҳтимол тутилаётган хўжалик юритиш ва оператив бошқарув институтларини ҳам такомиллаштириш вақти келди.

Фуқаролик Кодексининг юридик шахслар тўғрисидаги бобини кескин даражада қисқартириш лозим бўлади. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида, шунингдек юридик шахсларнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари хусусиятларини ўзида акс эттирган алоҳида-алоҳида қонунлар қабул қилганлиги боис, Фуқаролик кодекси ва алоҳида қонунларда айнан бир хил қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилишидан, такрорлардан халос бўлишимиз даркор. Мисол, Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка оид бўлими моддалари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун нормаларини 80 фоизга яқинини такрорласа, кодекснинг ижара, лизинг, гаров кабиларга оид бўлимлари моддалари ҳам бир хил муносабатларни тартибга соладиган алоҳида қонун нормаларини бир хилда такрорлайди.

Фуқаролик Кодексининг давлат кон-

тракти бўйича товарлар етказиб бериш ва контракция шартномаларига оид қоидаларини муфассал тарзда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчилар ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ ва ишончли ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаган ҳолда такомиллаштириш ва ривожлантириш, шунингдек Концепцияда таъкидланганидек «Ворислик ҳуқуқи», «Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш»га оид бўлимлари моддаларини такомиллаштириш баробарида уларни мақсадга мувофиқ тарзда тўлдириш зарурати ҳақиқатан бугунги кунда кескин сезилмоқда.

Бозор муносабатларини янада такомиллаштириш учун хизмат қилишга қаратилиши лозим бўлган бир қатор янги институтларни, жумладан узуфрукт (фойдаланиш ҳуқуқи), иморат қуриш ҳуқуқини киритиш, кодексга маклерликка ва факторингга оид шартнома қоидаларини, шунингдек чеклар ва векселларга оид халқаро конвенцияларнинг муҳим қоидаларини имплементация қилиш зарур.

Мол-мулкнинг фуқаролик муомаласида бўлиш имкониятларини янада кенгайтириш эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда Фуқаролик Кодексининг битимларга оид бобида «кечиктириш шarti» ва «бекор қилиш шarti» тушунчаларини киритиш битимлар мазмунини янада бойитган бўлур эди.

Мулк шакллари белгилаш тартиби қайта кўриб чиқилиши, ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмлари жорий этилиши, шунингдек инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибини такомиллаштириш

йўли билан хусусий мулк ҳимоясининг самарадорлиги оширилиши талаб этилмоқда.

“Инсофли эгалловчи” институти тубдан такомиллаштирилиши шарт ва зарур. Бугунги кунда амалда бўлган фуқаролик қонун ҳужжатлари қонуний йўл билан мол-мулкни қўлга киритган (аукционда мол-мулк сотиб олган, суд қарорига асосан мол-мулкни қўлга киритган, бозордан мол харид қилган ва ҳ.к.) шахсдан бир неча йиллар ўтгандан сўнг ҳам кимнингдир айби учун ундан мол-мулкни тортиб олишга йўл қўяди. Бундай мисоллар ҳаётда талайгина. Бундай мантиққа зид нормаларни такомиллаштириш вақти келганлигини Фармойиш мазмунидан сезиш қийин эмас.

Концепцияга биноан битимлар институти такомиллаштирилади, жумладан битимларни мажбурий давлат рўйхатидан ўтказиш ва нотариал тасдиқлашни, битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва ҳолатларини аниқлаштиришни назарда тутувчи нормалар қайта кўриб чиқилади.

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги механизмлари жорий этилади.

Корпоратив муносабатларни фуқаролик кодексининг тартибга солиш предмети доирасига киритилади, жумладан оммавий акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ўзига хосликлари белгиланади, корпоратив ҳужжат кучига эга ва учинчи шахслар учун мажбурий бўлган “корпоратив шартнома” жорий қилинади, тенг акциялар пакети эгалари фамият фаолиятини издан чиқарганида корпоратив танглик вазиятидан чиқиб кетиш механизмлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Қатор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, Фуқаролик кодексига корпоратив шартномага оид модданинг мустақамланиши бу борадаги муносабатларни ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Корпоратив шартноманинг мазмуни шуки, хўжалик жамияти иштирокчилари ёки уларнинг айримлари ўзаро корпоратив (аъзолик)

ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисидаги шартнома (корпоратив шартнома) тузишга ҳақли бўлиб, унга кўра улар ушбу ҳуқуқларни маълум тарзда амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан сақланиб туриш (амалга оширишни рад этиш), шу жумладан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида маълум тарзда овоз бериш, жамиятни бошқариш юзасидан бошқа ҳаракатларни келишилган ҳолда амалга ошириш, жамият устав капиталидаги улушларни (акцияларни) маълум нархларда ёки маълум шароитлар юзага келганида олиш ёки ўзга шахсга бериш ёхуд маълум шароитлар юзага келишига қадар улушларни (акцияларни) ўзга шахсга беришдан сақланиб туриш мажбуриятини олишлари мумкин. Корпоратив шартнома унинг иштирокчилари зиммасига жамият органлари кўрсатмаларига мувофиқ овоз бериш мажбуриятини юклай олмайди, жамият органлари тузилмасини ва уларнинг ваколатларини аниқлаб бермайди.

Корпоратив шартноманинг белгиланган қоидаларга зид келадиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Агар Фуқаролик кодекси ёхуд хўжалик жамиятлари ва ширкатларига оид қонунларга мувофиқ жамият уставига жамият органлари тузилмаси ва уларнинг ваколатларига ўзгартиш киритишга йўл қўйилса, корпоратив шартномада унинг тарафларининг жамият иштирок-





чиларининг умумий йиғилишида жамият органлари тузилмаси ва уларнинг ваколатларини белгилайдиган қоидаларни жамият уставига киритиш учун овоз бериш мажбурияти белгиланиши мумкинлиги ва корпоратив шартнома тарафлар томонидан имзоланган битта ҳужжатни тузиш йўли орқали ёзма шаклда тузилиши, шунингдек, ҳўжалик жамиятининг корпоратив шартнома тузган иштирокчилари жамиятни корпоратив шартнома тузилганлиги факти ҳақида хабардор қилинишлари шартлиги, бунда шартноманинг мазмунини очиб бериш талаб қилинмаслиги ва бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, корпоратив шартнома тарафлари бўлмаган жамият иштирокчилари ўзларига етказилган зарарлар ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлишлари белгилаб қўйилади.

Корпоратив шартнома тарафи томонидан ушбу шартнома бузилган ҳолда тузилган битим битимнинг бошқа тарафи корпоратив шартномада назарда тутилган чекланишлар ҳақида билган ёки билиши керак бўлган тақдирда, корпоратив шартнома иштирокчисининг даъво аризаси бўйича суд томонидан у ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Корпоратив шартнома тарафларидан бирининг ҳўжалик жамияти устав капиталидаги (акциясидаги) улушига бўлган ҳуқуқини тугатилиши унинг қолган бошқа тарафларига нисбатан, агар ушбу шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, корпоратив шартноманинг амал қилиши тугатилишига олиб келмаслигига оид норма ҳам кодексдан жой олмоғи лозим ва ҳ.к.)

Бугунги кунда амалда бўлган Фуқаролик кодекси йиғилишлар қарорлари,

яъни айнан корпоратив юридик шахс иштирокчи (аъзо)ларининг қарорлари, ҳаммулкдорларнинг қарорлари, банкротликка оид кредиторларнинг қарорлари ва бошқа шу каби юридик ҳужжатлар турларини назарда тутмайди ва уларни ўзида акс эттирмайди.

Юридик ҳужжат сифатида бундай йиғилиш қарорларнинг муҳим жиҳати шундаки, уни барча йиғилиш иштирокчилари учун, шу жумладан йиғилишда иштирок этмаганлар ёки қабул қилинган қарорга қарши овоз берганлар учун ҳам қонунга мувофиқ бир хил аҳамият касб этишлигидир.

Бундай қарорларни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш йиғилишда иштирок этмаган ёки қарорга қарши овоз берган шахсларнинг, шунингдек бошқа манфаатдор учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усули бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Йиғилиш иштирокчиларига нисбатан тенг шароитларда тенг муносабатда бўлиш принципи бузилган ҳолларда қарорларнинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини қонуний мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Чунончи,

- иштирокчиларнинг бошқарувда иштирок этишига йўл қўйиш мумкин бўлмаган аралашуви;

- йиғилишда сўзга чиқиш учун вақт ажратишда эътирозлар баён қилинмаслигига олиб келувчи тенг бўлмаган муносабат;

- овоз беришда айрим иштирокчиларнинг бошқалар олдида ортиқча, асосланмаган устунликни (қоидага кўра, бу молмулк устунлиги) олиши ва бошқалар.

Йиғилишлар қарорлари устидан низо-

лашишнинг асосида муҳим ҳисобланган бир тамойил, у ҳам бўлса қоидабузарликнинг мансублиги (казуаллиги) тамойили ётади ва ушбу тамойил қонун билан эътироф қилиниши керак. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундаки, агар низоли қарорга ҳуқуқлари бузилган шахснинг овоз бериши қарор қабул қилинишига таъсир қилмаган бўлса, қарор суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилмаслиги лозим бўлади.

Бир вақтнинг ўзида Фуқаролик кодексига низони кўриб чиқиш жараёнида корпоратив юридик шахс қарорини суд томонидан юридик кучга эга эмас, деб топилуши имконияти назарда тутилмоғи керак.

Таъкидлаш жоизки, корпоратив юридик шахс қарорини юридик кучга эга эмас, деб топиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатлар қаторига қуйидагилар киритилмоғи мақсадга мувофиқ:

а) йиғилишда жиддий қоидабузилишларга йўл қўйилган ҳолда қарор қабул қилинган бўлса, хусусан кун тартибидан ташқари масала юзасидан, кворум мавжуд бўлмаган ҳолда, йиғилиш ваколатидан ташқарига чиқилган ёхуд йиғилиш баённомасини расмийлаштириш қоидалари бузилган ҳолда қарор қабул қилинган бўлса;

б) кредиторларни ёки кўпчиликнинг манфаатларини мутлақ ёхуд афзаллик билан ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлган қоидаларни бузишга қаратилган қарор, шу жумладан қалбаки ва кўзбўямачилик учун қарор қабул қилинган бўлса;

в) қабул қилинган қарор мазмуни жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларига зид бўлса.

Назаримизда энди бундай тоифадаги қарорлар юзасидан низолашишнинг хорижий тажрибага суянган ҳолда ягона тартиб белгиланади. Бунга биноан қарор юзасидан ҳар қандай манфаатдор иштирокчилар низолашишлари мумкин бўлади.

Концепциянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ва Ўзбекистон Республикаси-

нинг бошқа алоҳида ҳудудларида хорижий ҳуқуқнинг экстерриториал қўлланилиши тартибини киритиш талаби қўйилмоқда.

Шу билан бирга амалдаги қонун ҳужжатлари оффшор ҳудудларда – имтиёзли солиққа тортиш режимини тақдим этувчи ва (ёки) молиявий операцияларни ўтказишда ахборотни тақдим этиш ёки очиб беришни талаб қилмайдиган чет давлатлар ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомининг ҳеч қандай хусусиятларини белгилаб бермайди. Оффшор компаниялардан кўпинча фуқаролик муомаласида суистеъмолликлар (ҳалол сотиб олувчи кўринишидаги харидорни сунъий равишда яратиш, улушлар ва акциялар билан боғлиқ ноқонуний операцияларни яшириш, «рейдерлик эгаллаб олишлар» ва бошқалар) учун фойдаланилади.

Шунинг учун миллий ҳуқуқ тартиботи тизими томонидан оффшор компанияларининг ҳуқуқий лаёқатини эътироф этишнинг қўшимча шarti сифатида мазкур компанияларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида таъсисчилар (иштирокчилар) ва наф олувчилар тўғрисидаги ахборотни очиб бериш шарт бўлган ҳолда рўйхатдан ўтказишни қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш имконияти тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Фақат бундай рўйхатдан ўтказиш мавжуд бўлганда ва кўрсатилган ахборот очиб берилганида оффшор компа-



ния ўз фаолиятини Ўзбекистон ҳудудида амалга ошириш, шу жумладан битимлар тузишга, мол-мулкка эгалик қилишга ҳақли бўлиши лозим.

Президент Фармойишининг яна бир муҳим жиҳати ер участкаларини хусусийлаштириш билан боғлиқ нормаларни фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солишнинг устивор вазифа қилиб белгиланганидир.

Ҳақиқатан ер, ер ресурслари айрибош-лаш объекти ҳисобланади. Аслида ер участкаларини тасарруф этиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан ҳам Фуқаролик кодексининг олди-сотди шартномасига оид қоидалари қўлланилиши керак. Аммо ер олди-сотдиси билан боғлиқ шартнома муносабатлари Фуқаролик кодекси билан мукамал тартибга солилмаганлиги боис бундай муносабатлар асосан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан тартибга солиниб келинмоқда.

Маълумки қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслар ҳам ер участкаларига эга бўлишлари мумкин. Ер кодексининг 18-моддасига биноан жисмоний шахсларни ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари хусусийлаштирилганда ёки

якка тартибда уй- жой қуриш учун 0.04 гектар доирасида ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда ким ошди савдосида реализация қилинганда, шунингдек ер участкаси аукционда сотилганда вужудга келиши мумкин. Бундай ер участкаларини хусусий мулк асосида реализация қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар Фуқаролик кодексида мавжуд эмас.

Амалдаги Фуқаролик кодекси ер участкаси бир нечта қисмларга бўлинганда ёки мулк ҳуқуқи асосида бир неча шахсга тегишли бўлган участкаларни бирлаштириш йўли билан янги ер участкаси ташкил қилинганда мулк ҳуқуқларини тартибга соладиган қоидаларни ўз ичига олмайди. Фуқаролик кодексида ер участкаларини бўлиниши ва бирлаштирилишининг ҳуқуқий оқибатлари ойдинлаштирилмаган.

Эндиликда мазкур муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предметига айлананиши ва Фуқаролик кодексининг тегишли нормалари уларни ўзига қамраб олмоғи лозим бўлади. Натижада Ер кодексидан фуқаролик-ҳуқуқига оид бундай нормалар чиқариб ташланади ва улар қайта ишланиб Фуқаролик кодексига жойлаштирилади.

Назаримизда Фуқаролик кодексидан нафақат ер балки ер қаъри участкалари ва сув объектларига нисбатан мулк ҳуқуқига оид нормалар жой олмоғи керак. Ушбу объектларга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиб, бундай ҳуқуққа нисбатан ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги нормаларни субсидиар қўллаб, ер, сув, ўрмон ва ер қаъри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқаролик қонун ҳужжатларига уйғунлаштирилиши талаб этилади.

Фикримизча, Фуқаролик кодексига «Бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк объектларига мулк ҳуқуқи» деб номланган алоҳида боб киритилиб, унда бино ёки иншоот нобуд бўлган (шикастланган) тақдирда бино, иншоот мулкдориде ер участкасига бўлган ҳуқуқ, шунингдек ҳеч



қандай чекловларсиз бино ёки иншоотни тиклаш ҳуқуқининг сақланиб қолиниши, тугалланмаган қурилиш объектига бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юзага келиши ва объект қурилатган ер участкасининг мулкдори ёки қонуний эгасига тегишли бўлишлиги мустақамлаб қўйилмоғи лозим. Тугалланмаган қурилиш объекти мулкдори тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун объектни ер участкаси мулкдорининг ўз кучи билан қурилганлиги ёхуд қурилиш пудрати шартномасини бажарилган бажарилмаганлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги лозим. Фикримизча қонунда тугалланмаган қурилиш объекти мулкдорининг объектни тугаллашига рағбатлантирувчи қоидалар назарда тутилади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Фармойишда мулкдор ҳуқуқларини кенгайтириш йўли билан ашёвий ҳуқуқлар институтини кучайтириш назарда тутилмоқда. Гап ашёвий ҳуқуқлар тўғрисида кетар экан, аввало таъкидлаш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексида назарда тутилган ашёвий ҳуқуқларга оид муносабатлар етарли тартибга солинмаган. Ноёб институт ҳисобланган ашёвий ҳуқуқлар, яъни ўзганинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш институти имкониятлари хориж амалиётида кенг қўлланилади. Бунга албатта қонун йўл очиб берган. Афсуски, бугунги кунда амалда бўлган фуқаролик қонун ҳужжатларида уларга (сервитут) ҳатто таъриф ҳам берилмаган. Ҳеч бўлмаганда сервитутнинг мазмуни умумлаштирилган тарзда ҳам очиб берилмаган.


Фикримизча эндиликда Фуқаролик кодексида сервитутларнинг рўйхати мустақамланиб қўйилишига эришилади. Булар (а) ўтиш йўлкаси, машинада ўтиш йўли, уй ҳайвонларини ҳайдаб ўтиш, юк ташиш учун бировнинг ер участкасидан ўтиш ёки ер участкасига кириш сервитутлари; (б) коммунал сервитутлар (кувур, электр сими ўтказиш ва бошқалар), (в) қурилиш сервитутлари – бировнинг биносидан ёки бировнинг ер участкасидан фойдаланиб қурилиш ишларини амалга ошириш; (г) ер қаъри участкасидан фой-

даланиш сервитутлари; (д) мелиорация сервитутлари ва бошқаларни белгиланиши, биринчидан, ресурслардан рационал фойдаланишга шароит яратса, иккинчидан, муносабат иштирокчиларининг манфаатдорлигини таъминлайди.

Сервитутни энг камчиқим усул билан амалга оширилиши лозим бўлади ва у хизмат қилувчи ашёнинг эгасини ундан тўла ёки сезиларли равишда фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги лозим бўлади.

Сервитут умумий қоидага кўра ҳақ эвазига амалга оширилиши, коммунал сервитутлар бундан мустасно бўлиши керак. Сервитут, агар у ашёдан тижорат мақсадларида фойдаланиш учун белгиланган бўлса ашёнинг эгаси ундан ҳақ олиши ҳам мумкин ва ҳ.к.

Умуман олганда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган Фуқаролик кодексини Президент Фармойишида назарда тутилган тарзда ва мазмунда янгиланиши мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштиради, уни юқори поғонага кўтарилишига замин яратади, мулкдорлик ҳисси бир неча чандон ошади, манфаатдорлик таъминланади, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви пасаяди, пировард натижада мавжуд моддий неъматлардан оқилона, самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланилади ва инсон омили кенг қулоч ёзади.



Хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимида фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари



Бобокул Тошев,
Юристар малакаси-
ни ошириш маркази
кафедра мудир, юри-
дик фанлар доктори

Ҳуқуқий тизимларнинг ҳозирги замондаги ҳолати узоқ ва изчил давом этадиган тарихий ривожланиш натижасидир. Аммо, нормаларни яратиш, талқин қилиш ва баҳолаш учун ишлатиладиган фақат энг ўзгармас элементларни кўриб чиқадиган бўлсак, ҳуқуқий тизимлар ўртасида ўхшашликларни кузатиш мумкин. Ушбу нуқтаи назарга асосланган ҳолда Рене Давид миллий ҳуқуқий тизимларни оилаларга гуруҳлаштириб ажратишни таклиф қилди. Натижада у ҳуқуқий оилаларнинг учта асосий гуруҳларини ажратиб берди: роман-герман ҳуқуқи оиласи, умумий ҳуқуқ оиласи ва социалистик ҳуқуқ оиласи. Албатта, вақт ҳуқуқ ривожланишига тузатишлар киритди. Социалистик тизимга асосланган мамлакатлар доираси амалда торайган сари социалистик ҳуқуқ оиласи ўзининг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини йўқотди.

Роман - герман ҳуқуқи оиласи Европа мамлакатлари Рим ҳуқуқини ўзлаштиргани натижасида вужудга келган. Ҳозирги пайтда ушбу ҳуқуқий оилага авваламбор Европа қитъаси, Лотин Америка (Испания ва Португалиянинг собиқ мустамлакалари худудларидаги давлатлар), Африка мамлакатлари киради. Рим ҳуқуқининг таъсири Шотландия, Луизиана (АҚШ), Квебек (Канада) да сезиларлидир.

Умумий ҳуқуқ оиласига Буюк Британия, АҚШ, Канада (Квебекдан ташқари), Австралия, Янги Зеландия, Ямайка, Ҳиндистон, Таиланд ва бошқа мамлакатлар киради.

Европа қитъаси мамлакатларида, шунингдек уларнинг ҳуқуқ тизимини ўзлаштирган мамлакатларда биринчи ўринда қонун туради, уларнинг фуқаролик ҳуқуқи эса кодификацияланган. Аксарият мамлакатларда фуқаролик кодекслари ўтган асрда ёки бу асрнинг бошидан амал қилинганлигига қарамасдан ҳозирга қадар ушбу давлатлар фуқаролик ҳуқуқининг негизи ҳисобла-

нади. Маъмурий ҳужжат расман бўйсунувчи рол ўйнайди, суд амалиёти эса умуман ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди. Судлар қарор чиқариб, умумий нормалар яратмайди, қонун чиқарувчининг ўрнини босолмайди. Муайян иш бўйича чиқарилган қарор эса фақат мазкур иш учун мажбурий, деб тутилади.

Инглиз-саксон ҳуқуқи тизимини қўллайдиган мамлакатларда бошқача ҳолат юзага келган. У ерда ҳам қонун ҳуқуқининг бошқа манбаларидан баландроқ туради, лекин суд амалиёти ҳам ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Айниқса ҳозирга қадар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ёзилган деб аталмиш ҳуқуқ манбаларига –қонун ва қонуности ҳужжатларга қараганда суд амалиёти катта роль ўйнайди.

Англия, АҚШда ва уларнинг тизимини қабул қилган бошқа мамлакатларда суд прецеденти принципи амал қилади: муайян иш юзасидан чиқарилган қарор тенг ва пастки инстанция судларининг барчаси учун, башарти улар шунга ўхшаш иш кўрса, мажбурийдир. Натижада рас-



ман амал қилаётган қонун аслида кучга эга бўлмаган вазият вужудга келади.

Европа қитъаси мамлакатларида суд амалиёти алоҳида ўрин тутлади. У ерда қуйидаги принцип амал қилади: суд қарори фақат у чиқарилган иш учунгина мажбурийдир. Аммо аслида пастки инстанция судлари юқори инстанция судлари қарорларига амал қилишлари шарт, акс ҳолда уларнинг қарорлари бекор қилинади. Суднинг бундай ҳуқуқ ижодкорлигидаги ўрни айрим қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Швейцариянинг 1907 йилдаги Фуқаролик кодекси 1- моддасида шундай ҳолат тугилганки, судья, башарти қонунда бўшлиқ мавжуд бўлса, қонун чиқарувчи ўрнига уни тўлдириш ҳуқуқига эга. Бошқа кодексларда, масалан Германиянинг фуқаролик қонун ҳужжатларида (ГФҚХ) судьяларга бундай катта ваколатлар берилмаган, шунингдек суднинг ҳуқуқ ижодкорлиги билан боғлиқ роли мустаҳкамланган. Лекин мазкур қонун қоидалари шундай ёзилганки, суд кўриб чиқиши учун кенг имконият берилади. “Яхши ҳулқ”, “соф виждон” мезонларига таянган ҳолда нормаларни талқин қилиш йўллари кўрсатади.

Европа қитъаси мамлакатларида фуқаролик ва савдо ҳуқуқи ҳамда умумий ҳуқуқ манбаларидан бири одат ҳисобланади. Одатни ҳуқуқий норма сифатида таърифлашга келадиган бўлсак, барча мамлакатлар учун қандайдир ягона таъриф мавжуд эмас. Бундан ташқа-

ри, бир мамлакатнинг таълимотида одатнинг турли таърифлари бор. Одат тавсифланадиган асосий белгилар сифатида қуйидагилар кўрсатилади: борлиқнинг муайян давомийлиги, оммавий тартибга риоя этиш мунтазамлиги, аниқлиги ва зид эмаслиги.

Ҳозирги пайтда одат қонун, қонуности ҳужжатлар ёки ҳатто суд амалиёти каби ҳуқуқнинг бошқа манбаларига қараганда иккиламчи ўрин тутлади. Одатнинг ҳуқуқий нормалар иерархиясидаги ўрнига келсак, Европа қитъаси ва умумий ҳуқуқ мамлакатларининг барчасида одат даставвал қонунда тегишли кўрсатма умуман ёки тўлиқ бўлмаган ҳолларда қонунни тўлдирувчи норма сифатида тушунилади.

Норматив характерга эга бўлган ҳамда ҳуқуқнинг ҳар қандай бошқа нормаси сингари қўлланиладиган одатлардан ташқари таълимот ва амалиётда оддийликлар ҳам ажратилади. Улар айниса савдо битими бўйича тарафларнинг муносабатларини тартибга солиш борасида катта роль ўйнайди. Одатларга ўхшаб оддийликлар муайян савдо тармоғида доимий ва бир хил қўллаш асосида вужудга келган ҳулқ-атвор қоидаларидир. Лекин, одатлардан фарқли ўлароқ улар ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди ҳамда улар фақат тарафларга маълум бўлган, битимда тўғридан-тўғри кўрсатиш ёки назарда тутилган шарт тарзида ўз аксини топган тақдирдагина қўлланилади.

Бундай оддий принциплар халқаро савдо ҳуқуқи соҳасида кенг тарқалган. Уларнинг кўплари у ёки бу савдо тармоғида кўпроқ қўлланилган бўлиб, турли халқаро ташкилотларнинг қатор ҳужжатларида акс этган. Масалан, 2000 йилда Халқаро савдо палатаси ташқи савдо соҳасида кенг қўлланиладиган савдо атамаларини талқин қилиш бўйича янги халқаро қоидаларни – “Инкотермс”ни ишлаб чиққан. Айнан шу халқаро ноҳукумат ташкилоти 1974 йилда ҳужжатли аккредитивлар учун ягона қабул қилган бўлиб, улар ҳозирга қадар амал қилмоқда.

Европа қитъаси ва умумий ҳуқуқ мамлакатларнинг ҳозирги замон иш муомаласида формулярлар жуда кенг тарқалган. Бу олдиндан йирик экспортёрлар - юридик шахслар томонидан ишлаб чиқиладиган ва имзолаш учун контрагентга таклиф этиладиган намунавий шартномалардир. Намунавий контрактлар шартномаларнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Улар тарафлар учун уларнинг келишуви бўйича мажбурийдир. Аммо аслида йирик фирмалар бу шартларга бошқа мамлакатларнинг контрагентларини мажбуран кўндирадилар. Ушбу шартларнинг мазмуни уларни ишлаб чиққан мамлакатларнинг ҳуқуқи ва амалиётига асосланади. Шу муносабат билан БМТ Европа иқтисодий комиссияси томонидан ишлаб чиқилган контрактларнинг турли шакллари ҳамда хилма-хил умумий шартларни эслатиб ўтиш жоиз.

Фуқаролик ва савдо ҳуқуқи манбалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқар эканмиз, уларнинг яқинлашишига, ҳатто нафақат бир мамлакат доирасида, балки халқаро миқёсида унификацияланишига доир тенденцияни кўрсатиб ўтиш лозим. Халқаро конвенция тузиш унификациялашнинг энг кўп тарқалган усули ҳисобланади. Унификация натижасида эришилган конвенция ушбу конвенцияда қатнашувчи давлатларнинг халқаро шартнома мажбуриятларига асосланади. Бунда шундай вазият бўлиши мумкинки, унда конвенция нормалари билан фақат халқаро муомала билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Транспорт, товарларнинг олди-сотдиси, товарларнинг халқаро олди-сотдисидаги даъво муддати соҳасига доир конвенцияларнинг кўплари шундай характерга эга. Бир қанча давлатлар муайян соҳада ўз ички ҳуқуқини тўлиқ ўзгартиришга келишиб олган тақдирда унификация янада кенгроқ амалга оширилади. Хусусан, 1930 йилги Женева вексел ва чек конвенциялари шундай аҳамиятга эга. Уларнинг нормалари мамлакат ичкарисидаги муносабатларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ҳуқуқий нормаларнинг унификацияси халқаро шартномани тузмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бир қанча давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан (ёки халқаро ташкилот ёрдамида) намунавий қонун лойиҳаси яратилиб, уни манфаатдор давлатлар ўзларида жорий этишлари мумкин. Ма-

INCOTERMS 2000





UNCITRAL

United Nations Commission on International Trade Law

салан, Интеллектуал мулк бутунжаҳон ташкилоти бу йўлдан бориб ривожланган мамлакатлар учун саноат мулкани муҳофаза қилиш соҳасида намунавий қонунлар яратиб келмоқда. Скандинавия мамлакатлари ҳам шу йўлдан бормоқда: У ерда олди-сотди шартномалари тўғрисидаги, савдо реестри тўғрисидаги, савдо агентлари тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Ҳуқуқий тизимларнинг яқинлашуви нафақат ҳуқуқий кўрсатмалар мазмунини ўзгартириш орқали юз бермоқда, балки, яқинлашув тартибга солиш усулларини ўзгартириш бўйича амалга оширилмоқда: агар Европа қитъаси мамлакатларида суд амалиёти катта ўрин тутса, инглиз-америка ҳуқуқий тизими давлатларида қонун роли ошиб бормоқда.

Яқинлашув ҳуқуқий кўрсатмаларни ўзгартирмасдан ҳам юз бериши мумкин. Бунда турли мамлакатларга хос бўлган бир-биридан фарқ қилувчи ҳуқуқий принциплар ва нормалардан фойдаланиш орқали улар шундай талқин қилинади ва қўлланиладики, ҳар хил нуқтаи назарларга асосланиб бир натижага келинади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2205 (XX1)-рақамли резолюцияси Халқаро савдо ҳуқуқи комиссияси (ЮНСИТРАЛ) олдига “халқаро савдо ҳуқуқи соҳасидаги халқаро конвенциялар ва қонунларнинг бир хил талқин қилинишини таъминлайдиган йўл ва воситаларни излаб топиш” вазифасини қўйди. Айрим конвенцияларда уларнинг қоида-

ларни талқин қилишда конвенциядаги нормаларнинг халқаро характерини ҳисобга олиш ҳамда улар бир хил қўлланилишига эришиш зарурати кўрсатилган (масалан, 1980 –йилги Халқаро олди-сотди тўғрисидаги Конвенциянинг 71-моддаси).

Европа Ҳамжамияти (ЕҲ) (илгариги Европа Иқтисодий Ҳамжамияти) доирасида унификация, хусусан, ЕҲга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида тузилган битимлар асосида амалга оширилмоқда. 1968 йилдаги Компаниялар ва бошқа юридик шахсларни ўзаро тан олиш Брюссель конвенцияси, 1980 йилдаги Шартномавий мажбуриятларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш тўғрисидаги Рим конвенцияси ана шундай битимлар қаторига киради. Америка қитъаси мамлакатлари эса 1994 йилда Мехикода халқаро шартномаларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги америкалараро конвенцияни қабул қиладилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, Европа қитъаси ҳамда инглиз-америка ҳуқуқи мамлакатларининг фуқаролик ва савдо ҳуқуқи манбалари одатда қонунлар, норматив характердаги маъмурий ҳужжатлар, суд амалиёти ва одатдан иборатдир. Аммо, ЕҲ доирасида ушбу минтақавий ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар учун фуқаролик ва савдо ҳуқуқи манбалари тоифасига кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари ЕҲ органларининг ҳужжатлари (регламент ва директивалар) киради.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – УНГА ТОҚАТСИЗЛИКДАН БОШЛАНАДИ



**Қахрамон
МИРСАФАЕВ,**

Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Яшнобод туман
судининг судьяси

Коррупция бугунги кунда деярли дунёнинг барча давлатларида мавжуд жиноят тури ҳисобланади. Шу боис унга умуминсониятнинг муаммоси сифатида қаралади.

«Коррупция» атамаси «бузиш, пора эвазига оғдириш, сотиш, сотилиш» деган маънони билдириб, латинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан ҳамда мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боглиқ жиноят ҳисобланиб, шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатади.

Бу турдаги жиноятлар давлат бошқарувини издан чиқаради, фуқароларда давлат бошқарувига нисбатан ишончсизликни уйғотиб, иқтисодиёт таназзулига етаклаб, ҳалол йўл билан мақсадга эришиш каби туйғуни йўққа чиқаради, давлатни ичдан емиради. Қайси бир соҳада ривожланиш, тараққиёт рўй бермаётган экан, унинг сабабларидан бири коррупцияга бориб тақалади, шу сабабли бу иллатга ер юзидаги барча давлат ва халқаро таш-

килотлар турли усулларда кураш олиб борадилар.

Коррупционернинг оддий жиноятчидан фарқи, бу унинг касбий билимга ва муайян ваколатга, ҳокимиятга эга эканлиги, хусусияти эса – иккиюзламачилигидир. Яъни унга давлат, жамият ёки корхона ишонч билдириши учун ўзининг барча ижобий томонларини кўрсатиб, тартибли ва зиёли ролини ўйнаб беради. Бу ҳолатлар эса жиноятнинг ижтимоий хавфини янада кучайтиради.

Ушбу жиноятлар субъектлари кўпроқ ўз қариндош-уруғи ва таниш-билишларини бошқаришга ноқобил шахс бўлса ҳам давлат ҳокимиятига киритишда кўринади. Улар эса ўз навбатида ўз камчиликларини ходимларга нисбатан қўпол муоамалада бўлиш билан ёпишга ҳаракат қилишади, қуйи бўғиндаги раҳбар ва ходимлар эса уларга тақлид қилиб, бу амалиётни ўз ходимларига нисбатан қўллади. Натижада корхонанинг иш сифати пасайиб, муҳит бузилиб, давлат бошқаруви ва жамиятнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатади.

Инсонни ҳар қандай ҳаракатга ундовчи сабаб унинг ижтимоий аҳволидан келиб чиқадиган шахсий хусусиятларга





боғлиқ. Тарихга назар ташласак, АҚШ собиқ президенти Авраам Линкольн ўз даврининг энг виждонли одамларидан бири ҳисобланиб, унга жуда катта миқдорда пора таклиф қилган кишини ўз хизмат хонасидан улоқтириб ташлаган ва ундан нега ўзини бунчалик кўпол тутгани ҳақида сўрашганда, «Ҳар кимнинг ўз нархи бор, у эса меникига яқинлашиб қолган эди», деб жавоб берган экан.

Дунё тажрибасининг кўрсатишича, коррупцияга қарши кураш қадимдан бошланган. Жумладан, Шумер давлати порахўрликка қарши курашган биринчи мамлакат сифатида эътироф этилади ёки Бобил ҳукмдори Хаммурапи томонидан коррупцияга қарши алоҳида қонун ишлаб чиқилган. Геродотнинг хабар беришича, қадимги форс давлати – Аҳамонийлар салтанатида шоҳ Кир II нинг ўғли Камбис II даврида пора олган судьянинг тириклайин териси шилиниб, курсисига тортиб қўйилган ва ўғли шу вазифага тайинланган, токи судда иш кўраётган чоғида қайси курсида ўтирганини унутмасин. Русларда 1556 йилда Иван Грозний томонидан порахўрлик учун ўлим жазоси жорий этилган. Европада порахўрларга нисбатан кескин чоралар қўллаш даври ўрта асрларга тўғри келади. Унда жиноятчига мисли кўрилмаган қаттиқ қийноқ усуллари (чошиб тўртга бўлиш,

чархпалакка тортиш, осий, оловда ёқиш, қўлларини кесиш, қизиган ёғга тириклайин ташлаб юбориш ва б.дан) фойдаланилган.

Японияда бу масала бола онгига элементар усулларни сингдиришдан бошланган. Яъни, дарс машғулот вақтида китобдан кўчираётган ўқувчи ёнида ўтирган дўсти ўша пайтнинг ўзида ўқитувчига хабар берган. Ўқитувчи айбдорга жазо бали ва айтиб берган ўқувчига эса рағбатлантириш бали қўйган.

Сингапур ҳозирги пайтда коррупциянинг йўқлиги, иқтисодий эркинлик ва тараққиёт даражаси бўйича дунё рей-





тингларида етакчи ўринларни эгаллаган, қатъий авторитар давлат номини олишига «Виждонли бўлиш ва сотилмаслик» тамойили сабаб бўлган. Сингапур мисоли сиёсий ирода, коррупцияга қарши самарали қонунчилик ва сотилмайдиган мустақил агентлик (Коррупция ҳолатлари юзасидан суриштирув олиб бориш бюроси) бир неча йил ичида коррупцияни жуда паст даражага туширишга қодир эканлигини кўрсатди. Бу давлатдаги асосий ислохотлар судьяларнинг ойлигини кескин оширишга, судьялик лавозимида энг яхши адвокатларни жалб этишга қаратилди. Мафия гуруҳлари шафқатсизлик билан йўқ қилинди. Масъулиятли лавозимларни эгаллаб турган давлат хизматчиларининг маоши хусусий корпорациялар топ-менежерлариники даражасигача оширилди.

Айни пайтда порахўрлик учун қўлланадиган Хитойдаги жазо тури бошқа ҳеч бир давлатда бўлмаслиги табиий. У ерда бундай жиноят жиддий саналиб, жиноятчига нисбатан қатл жазоси белгиланади. Порахўрнинг қариндошларига эса у отиб ўлдирилган ўқ учун тўлов-ҳисоб варақаси юборилади.

Ҳозирги вақтда идеал, ҳар томонлама тўлиқ бўлган мансабдор шахсни шакллантириш методологияси мавжуд эмас. Аммо коррупцияни кескин қамайтириш чораларини кўриб ривожланиб кетган давлатлар тажрибаси унга

қарши курашиш орқали иқтисодий кўтаришга, халқнинг ижтимоий ҳаёти тубдан яхшилашга эришиш мумкинлигини исботлади. Бунга Сингапур, Гонконг, Португалия, Швеция, Грузия каби давлатлар мисол бўла олади.

Сўнгги йилларда коррупциянинг барча кўринишларига қарши изчил тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ уларнинг самарали натижалар бериши бир қатор омилларга боғлиқ. Буларнинг ичида коррупциявий стереотипларни йўқотиш, одамларда ҳар қандай кичик коррупция кўринишлари оддий, «нормал» ҳолат эмас, балки умум қораланадиган қилмиш сифатидаги қарашни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Мисол учун, шифокор кўригидан ўтганда, янги туғилган чақалоқни туғруқхонадан олиб чиққанда, қандайдир ютуққа эришиб, ҳужжат олинганда ва бошқа бирор бир ишимиз қонун доирасида ҳал қилиб берилганда ушбу давлат органи ходимларига пул бермасликни кўпда лозим деб топмаймиз ва «чой пули» ёки «суюнчи» таклиф қилишимиз оддий ҳолга айланган. Умуман, қонунларни бузиб, маълум ҳақ эвазига жазодан қутулиб қолиш, давлат ташкилоти билан бирор муаммо вужудга келса, таниш-билиш топиб масалани ҳал қилишни оддий ҳолат деб ҳисоблаймиз. Бу яшаш тарзимизнинг бир қисмига айланиб қолган.

Одамлар олтидан қимматли вақтини беҳудага кеткизмаслик, бу ҳам камлик қилгандай жамиятнинг «салбий» фикрига учраб, «уддабурон» бўлмагани учун иши битмай қолишидан қўрқиб бу йўлни танлашади. Ўзлари ҳақ бўлсалар ҳам, ўз ташаббуси билан ёки шунга мажбур бўлган ҳолларда тегишли органларга мурожаат қилмасдан пора беришга интилади. Демак, давлат идораларидаги баъзи бир тўсиқлар одамларни пора бериш ва олишга мажбур этади.

Бюрократия ва коррупциянинг юзага келишини бартараф этиш мақсадида 2017 йил 12 декабрда «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди. Шу асосида аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимига асос солиниб, Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди, ҳар бир ташкилотда очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда, халқ қабулхоналари ва ишонч телефонлари орқали мурожаатлар қабул қилинмоқда, фуқароларнинг билим-савиясини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида профилактика тадбирлари мунтазам равишда олиб борилмоқда, бу эса ўз навбатида давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг масъулиятини янада оширишга ва ўзини ноҳўй ҳаракатлардан тийишига хизмат қилди.

Коррупция ривожланишининг бошқа сабаби – жиноятнинг латентлиги бўлиб, ушбу жараёнда ён-атрофдаги шунга гувоҳ бўлганларнинг эътиборсизлиги ва пасивлигидир. Кўплаб шу ҳодисанинг гувоҳи бўлганлар ўз ишидан айрилиб қолишдан ёки таъқиб қилинишидан қўрқади, айниқса хизмат юзасидан жиноятчига ҳамкасб бўлса ёки унинг қўл остида ишласа. Бундан ташқари, кўпчилик ишхонадаги қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида маълумот етказишни «сотқинлик» эканига ишонади.

Коррупцияга қарши курашнинг

натижаси сўзсиз ҳар бир фуқарода бу иллатга қарши иммунитет ва нафратни шакллантиришга бевосита боғлиқ. Аҳолида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳар қандай кўринишдаги коррупциявий қилмишлар маданиятсизлик эканлигини ижтимоий онгга сингдириш, бу жиноят олдини олишнинг энг муҳим омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига кўра давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Коррупция ўз мазмун-моҳияти билан мазкур конституциявий қоидага мутлақо зиддир. Шундай экан, давлат ва унинг органлари давлатнинг конституциявий асосларига раҳна солиши мумкин бўлган бундай ҳуқуқбузарликларга қарши барча куч имкониятини ишга солиши керак.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашда жуда муҳим бўлган ҳужжат, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (03.01.2017 йил) Қонуни қабул қилинганига кўп бўлгани йўқ. Мазкур ҳужжатлар ўз мазмун-моҳияти, мақсади билан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг янги босқичини бошлаб берди, дейишимиз мумкин.





Мазкур қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши эълон қилинган мақсадларни амалга оширишга қаратилган изчил ҳаракатларнинг яна бир намунасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий

механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгиланганлиги бунга яна бир яққол мисол.

Кўрсатилган қонун ҳужжатлари қабул қилингунига қадар республикамизда коррупцияга қарши қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилиб, чоралар кўриб борилган бўлса-да, давлат бошқарувини халқ олдида обрўсизлантирувчи бу ҳуқуқбузарликка қарши тизимли ва самарали кураш учун зарур бўлган бир қатор омиллар етишмасди. Бунинг асосий қисми хусусан соҳага оид ҳуқуқий нормаларнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги, ҳатто коррупция тушунчаси қонунчиликда аниқ равшан берилмаганлиги, қонун даражасида бу борадаги сиёсат, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар аниқ белгиланмаганлигига бориб тақаларди.

Коррупцияга қарши кураш ҳақидаги махсус қонун қабул қилиниши шубҳасиз мамлакатимизда бу иллатга қарши тизимли кураш олиб боришнинг қонуний асосларини такомиллаштиришдаги жуда муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган коррупциянинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатла-



ри, режалаштирилаётган тадбирлар, билдирилаётган фикрлар «мамлакатимизда коррупциянинг келажаги йўқ» дея хулоса қилишга асос бўлмоқда. Бу хулосанинг амалга ошиши эса фуқароларнинг ҳаракатларига, ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларини коррупцияга қарши самарали қўллашига боғлиқ.

Айни пайтда коррупцияга оид жиноятларнинг аксарият қисми латент бўлиб қолмоқда. Мазкур жиноятларни фош этиш динамикаси субъектив омил – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари сиёсий иродасига боғлиқдир. Мамлакатимизда коррупция жинояти учун жавобгарликка тортилганлар сони 2013 йилга нисбатан 2017 йилда 1,5 фоиз ортганлиги унга қарши кураш ҳақиқатда кучайганлиги кўрсаткичидир, бироқ коррупция жиноятчилигининг фақат 1-2 фоиз фош бўлади, қолган қисми эса латентлигича қолмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 2018 йилнинг 9 ойи давомида коррупция билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-214 ва 167-моддаларида кўрсатилган жиноятлар сони 3.822 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (6.583 та) 58 фоизга камайган. Коррупцияга алоқадор бўлган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бу турдаги барча жиноятлар сони камайган. Жумладан, олдинги йилга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш – 58 фоизга, 205-206-моддалари мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш – 65 фоизга, 209-моддаси мансаб сохтакорлиги – 54 фоизга, 210-214-моддалари пора олиш, бериш ва олиш-беришда воситачилик қилиш – 57 фоизга тушган.

Таҳлилларга кўра, пора олиш жиноятлари энг кўп штатли соҳа вакиллари, яъни милиция, солиқ, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимлари томонидан содир қилинган бўлиб, ушбу жино-

ятлар кўрсаткичи ҳам кескин камайган. Хусусан, 2016 йилда 100 нафар ИИБ, 29 нафар ДСИ ходимлари, 56 нафар таълим ва 36 нафар соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари судланган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткич тегишлича 88/18/67/13 тани, 2018 йилнинг 9 ойида эса 19/3/38/14 тани ташкил қилган. Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, пора берувчиларнинг асосий сонини ишсизлар ташкил қилади. Судлар томонидан коррупция субъектларига нисбатан аксарият ҳолларда муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиб, қилмишига муносиб равишда озодликдан маҳрум этиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва жарима жазоларини тайинлаш орқали уларнинг хулқини яхшилаш ва келгусида содир қилиши мумкин бўлган жиноятларининг олдини олиш амалиёти йўлга қўйилган.

Лекин, коррупцияга қарши курашиш борасида ҳали қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Коррупцияга қарши кураш ҳар куни ҳар лаҳзада ҳар бир фуқаро томонидан амалга оширилиши керак. Одамларнинг ушбу иллатга қарши қатъий фуқаролик позицияси шаклланиши, коррупцияга нисбатан мурасасизлик ва тоқатсизлиги пайдо бўлиши, коррупция ҳолатларини оқлаш ва изоҳлаш эмас, қоралаш ва қабул қилмаслик биринчи даражага чиқиши керак.



СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҲОЛАТИ, ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ



**Музаффар
МАМАСИДДИҚОВ,**
юридик фанлар
доктори, профессор

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда мустақамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда суд органлари алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун, мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг асосий талабларидан бири суд органлари нуфузини кучайтириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва суд иш юритувининг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши (106-модда), судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши (112-модда) кафолатланган.

Шу билан биргаликда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш ҳамда суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш мақсадида аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиклигини ошириш, судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини кучайтириш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг бу соҳадаги асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Шу кунларда ишларни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётининг кенгайтирилганлиги, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилаётганлиги иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли суд қарорларининг чиқарилишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони бу борадаги ишларни амалга ошириш йўлида кўрилган муҳим чора бўлди. Бироқ суд органлари фаолияти-





нинг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва айниқса, одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Маълумки, қонунчилигимизда одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилган нормалар назарда тутилган. Масалан, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 36-моддасида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 40-моддада эса, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда ҳудудий ҳарбий судлар таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши назарда тутилган.

Мазкур Қонуннинг 62-моддасида халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўттиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим

йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланиши, халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилиши, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно эканлиги, шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 13-моддасида иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси кириши, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши, улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Халқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш 2014 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-368-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низом

(янги таҳрири) билан тартибга солинади. Унга кўра, халқ маслаҳатчилигига номзодлар кўрсатиш меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар томонидан, шунингдек ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан амалга оширилади.

Судларда жиноят ишларининг адолатли тарзда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишида жамоатчиликнинг иштирок этиши Асосий Қонунимизнинг 32-моддасида белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқининг амалдаги натижасидир.

Маълумотларга қараганда, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг тегишли малака ҳайъатларида 2014 йилнинг июль ойигача 15 744 нафар халқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатиб келган. 2016 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра, жиноят ишлари бўйича судларга жами 10 минг нафардан ортиқ халқ маслаҳатчиси сайланган.

Халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишлари бўйича судлардаги иштироки шахс, жамият ва суд ҳокимияти ўртасидаги ижтимоий алоқаларни мустақамлаши баробарида қонун устуворлиги

ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омили ҳамдир.

Мамлакатимизда халқ маслаҳатчилари институтининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мутахассислар томонидан билдирилган фикрларга кўра, халқ маслаҳатчиларининг суддаги иштироки адолатни қарор топтириш, айбдорга қонун доирасида жазо тайинлашга хизмат қилади. Зеро, халқ маслаҳатчилари иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахс сифатида судланувчига қандай жазо тайинлаш кўпроқ самара бериши ҳақида фикр билдиради ва бу суд томонидан инobatга олинади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, халқ маслаҳатчилари судьяларнинг мустақиллигига мутлақо дахл қилмаган ҳолда фаолият кўрсатади ва бу суд ҳокимияти фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Кўпчилик мутахассислар халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишларини кўришдаги иштирокини янада кенгайтириш, халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш лозим деган фикрни илгари суради.

Бироқ мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш тенденцияси жиноят процессида яқка судья томонидан кўриладиган ишлар доираси кенгайиб бораётганлигини кўрса-





тади. Масалан, ЖПКнинг 13-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи - тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилиши белгиланди. Унга кўра, 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб оғир жиноятлар биринчи инстанция судида судья томонидан якка тартибда кўрилади. Халқ маслаҳатчилари фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга жалб этилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда аксарият хорижий давлатларда (масалан, Канада, Франция, Греция, Италия, Янги Зеландия, Россия, Германия, Англия, АҚШ ва бошқалар) суд процессида жамоатчилик назоратининг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд маслаҳатчилари (суд присяжных) кенг жорий этилган.

Хорижий давлатлар амалиётида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатиб келаётган одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг ушбу модели одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини ўзида намоён қилиб, аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини ошишига хизмат қилиб келади.

Суд маслаҳатчилари турли давлатларда турлича номланишини кўриш мумкин. Масалан, lay judge (халқ судьяси); assessor (халқ маслаҳатчиси), schoffe (шеффен), cour d'assises (ассиз).

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аҳолининг суд ҳокимияти органларига ишончи юқори бўлмаган

давлатларда жиноят, маъмурий ва фуқаролик суд ишлари профессионал бўлмаган ва профессионал бўлган судьялар иштирокида ҳайъатда кўриб чиқилади.

Данияда жамоатчиликнинг одил судловни амалга оширишдаги иштироки суд процессида профессионал бўлмаган судьялар ёки суд маслаҳатчиларининг қатнашишида намоён бўлади. Биринчи инстанция судида ишларнинг кўрилишида учта халқ судьяси ва учта профессионал судья ёхуд тўққизта суд маслаҳатчиси ёки учта профессионал судья иштирок этади.

Францияда узоқ йиллар давомида одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос моделидан фойдаланилади. Унга кўра, жиноят ишлари судда профессионал судьялар ва суд маслаҳатчиларидан иборат ҳайъат таркибида кўрилади. Суд маслаҳатчилари айрим тоифадаги, хусусан, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш (жисмоний шахслар учун) ёки 75000 € миқдоридан жарима солиш (юримдик шахслар учун) тўғрисидаги жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. Францияда 16-18 ёшли вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар учта малакали судья ва тўққизта суд маслаҳатчилари иштирокида кўрилади. Мабодо, судья суд маслаҳатчиларисиз, ўзи якка тартибда вояга етмаганларнинг жиноий ножўя ҳаракатларига доир ишларни кўрадиган бўлса, бу ҳолда судья судланувчига нисбатан фақат тарбиявий ва назорат чораларинигина қўллаш олади.

Англияда суд маслаҳатчилари (присяжнийлар) қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки гумонли ўлим ёки

ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этади.

Австрия, Дания ва Норвегия каби давлатларда энг оғир жиноят ишлари суд маслаҳатчилари томонидан, ўртача оғирликдаги жиноят ишлари аралаш ҳайъат томонидан, унча оғир бўлмаган жиноий хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик масалалари эса якка судья томонидан кўрилиши белгиланган.

Германияда эса фуқароларнинг профессионал бўлмаган судья сифатида одил судловни амалга оширишдаги иштироки кўрилатган низоли ишларнинг тоифасидан келиб чиқиб белгиланади.

Европанинг аксарият давлатларида халқ судьяси, суд маслаҳатчилари профессионал судья билан шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслиги, шунингдек судланувчига жазо чорасини белгилаш билан боғлиқ масалани биргаликда ҳал этади. Буюк Британияда фуқаролик ишларининг кўрилишида суд маслаҳатчилари нафақат у ёки бу тарафлар учун фуқаролик-ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирувчи қарор қабул қилишади, балки шу билан бирга зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ҳам қабул қилиш ваколатига эга. Бошқача айтганда, агар профессионал судья зарарни ундириш лозимлиги ҳақида тўхтамга келса, суд маслаҳатчилари зарарни

қанча миқдорда ундириш лозимлигини белгилашлари мумкин.

Европа давлатларида жамоатчилик назоратининг муҳим кўриниши сифатида фуқароларнинг суд процессларида иштирок этишининг қонунчиликда мустаҳкамланиши одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини намоён қилиб, пировардида аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини ошишига олиб келмоқда. Бу эса ўз ўзидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам одил судлов жараёнлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишларига замин яратади.

Аҳолининг одил судлов жараёнларидаги иштирокининг тури, шакли ва воситалари муайян давлатнинг сиёсий режими, сиёсий маданияти ва амалдаги сиёсий тизимига боғлиқ бўлади. Масалан, АҚШда айрим Европа давлатлари тажрибасидан фарқли равишда олти йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиладиган жиноят ишларининг судларда кўрилишида фуқароларга суд маслаҳатчилари иштирокида ишни кўриш ҳуқуқи берилади. Бироқ махсус суд томонидан ҳарбий хизматчилар иштирокида кўриладиган ҳарбий хизматчилар иши билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно. АҚШда ҳар бир штат судда иштирок этади-





ган суд маслаҳатчиларининг сонини мустақил белгилайди. Японияда халқ судьялари оғир жиноят ишларининг муҳокамасида судья сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, халқ судьяларининг судлов ҳайъати таркиби олти-та халқ судьяси ва учта профессионал судьядан иборат бўлади. Айбланувчи халқ судьясидан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Суд процессида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судьянинг ўз устида ишлашига, ўз билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб боришига, ҳар қандай ишнинг суд муҳокамасига киритишдан аввал пухта тайёргарлик кўришига замин яратади.

Суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судья томонидан ишларни процессуал қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда олиб боришга даъват қилади. Зеро, жамоатчиликнинг жиноят ишларини судларда кўришдаги фаоллиги ошгани сари судлар томонидан қонунийликка тўлиқ риоя қилишни таъминлаш борасидаги назорат ҳам кучайиб боради.

Умуман олганда, одил судловни амалга ошириш жараёнида жамоат-

чилик назоратидан кўзланган мақсад муайян суд иши юзасидан ижтимоий адолатли ва бенуқсон суд қарорларининг чиқарилишига эришишдан иборат. Шундай экан, фикримизча, мамлакатимизда ҳам нафақат жиноят, балки маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича ҳам суд маслаҳатчилари институтини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тавсия этилади. Унга кўра, айрим тоифадаги фуқаролик, маъмурий ишларда, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятларнинг туман ва вилоят судларида кўрилишида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши, суд маслаҳатчиларининг сони, уларни танлаш (сайлаш) шартлари, муддатлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми каби нормалар назарда тутилиши лозим. Шу билан биргаликда суд маслаҳатчилари институтининг жорий этилиши муносабати билан уларни ўқитиш, малакаларини ошириш, суд биносида улар учун алоҳида хоналар ажратиш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ечимини топиши керак.

ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАН



**Гулназ
БЕРДИМУРАТОВА**

*Каракалпакский государственный университет имени Бердаха.
Республика Каракалпакстан. г. Нукус.*

С момента обретения государственной независимости во всех сферах общественно-экономической и политико-правовой системы Республики Узбекистан произошли коренные преобразования. Сформированы правовые основы национальной государственности на основе конституционного принципа разделения властей.

Республика Каракалпакстан с первых дней государственной независимости в составе суверенного Узбекистана провозгласила основной целью построение демократического правового государства, где на первом месте находятся права, свободы и законные интересы человека. В защите прав и свободы человека особую роль играет судебная власть. Судебная власть является одной из ветвей государственной власти, основным назначением которой является охрана членов общества от любого произвола граждан и от неправильных действий самого государства, его органов и должностных лиц.

В становлении и развитии судебной власти в Республике Каракалпакстан можно выделить два этапа:

Первый этап с 1991 по 2000г.г. – этап формирования новой системы судебной власти суверенного Каракалпакстана;

Второй этап - 2001 по 2008 г.г. – этап либерализации судебно-правовой системы Республики Каракалпакстан.

На третьем этапе, который начался в 2009 году бкю продолжена политика либерализация судебно правовой системы.

Если рассмотреть каждый из этапов:

На первом этапе становления и развития судебной системы Каракалпакстан (1991-2000 гг.) была определена стратегия коренного реформирования судебно-правовой системы и созданы ее конституционно-правовые основы. Была поставлена и успешно решена задача по формированию целостной системы судебной власти, направленной на преобразование суда из органа, карающего и защищающего интересы только государства, в орган, обеспечивающий верховенство закона и защиту прав человека. В качестве составной части судебной власти был организован Хозяйственный суд Республики Ка-





ракалпакстан. Утверждены уголовные, уголовно-процессуальные и другие законы, создающие законодательную базу судебно-правовой системы

В первом этапе были приняты действенные меры, прежде всего, по утверждению судебной власти как самостоятельной, независимой и сильной ветви государственной власти, реализующей свои полномочия в интересах защиты прав и свобод человека и гражданина, конституционного строя, прав и охраняемых законом интересов предприятий, учреждений, организаций, общественных объединений. Принятые Конституции Республики Каракалпакстан в 1993 году ознаменовали формирование независимой судебной власти, призванной путем осуществления правосудия обеспечить согласие в обществе, защиту прав, свобод и законных интересов человека. В данной Конституции Республики Каракалпакстан закреплено, что судебная власть, будучи одной из основных ветвей государственной власти, осуществляется самостоятельно и независимо от других ветвей государственной власти (статья 100 конституции). Судебная власть реализуется в сфере правоотношений посредством гражданского, хозяйственного, административного и уголовного судопроизводства. Основопологающей формой судебной власти является правосудие, которое должно опираться на принципы равноправия участников и состязательности производства. Правосудие будет правосудием только тогда, когда оно отвечает требованиям справедливости и обеспечивает восстановление в правах. Именно на достижение

данной задачи и была направлена судебно-правовая реформа, осуществляемая в Узбекистане, в том числе в Республике Каракалпакстан.

В Конституции Каракалпакстана судебной власти посвящена целая глава. В Конституции Каракалпакстана содержатся такие положения, как независимость судебной власти (статья 100), принципы деятельности судов и организация судебной системы (статья 105-109). Принцип законности в деятельности суда является основополагающим принципом и обеспечивает эффективную защиту прав и свобод человека и гражданина. На достижение этих целей направлена и продуманная структура судебной системы

В целях развития конституционных норм о судебной власти и создание правовых основ судебной системы были приняты значительные законы, составляющие в совокупности систему судебного законодательства (права). В этом направлении были приняты Законы «О судах», Уголовный и Уголовно-процессуальный кодексы, Кодекс об административной ответственности (1994 г.), «Законы об обжаловании в суд действий и решении, нарушающих права и свободы граждан», Гражданский кодекс (1995-1996 гг.), Гражданский процессуальный и Уголовно-исполнительный кодексы, Законы «Об адвокатуре» (1997 г.), «О гарантиях адвокатской деятельности и социальной защите адвокатов» (1998 г) и ряд других подзаконных актов. На первом этапе были организованы Ассоциация адвокатов и Ассоциация судей Республики Узбекистан.

В июне 2000 года, первым Президен-



том Республики Узбекистан И.А Каримовым была утверждена Программа по либерализации и углублению процесса реформ в политической, экономической и духовной сферах общества, в котором были предусмотрены, в числе других, меры по либерализации уголовного и уголовно-процессуального законодательства. Указом Президента Республики Узбекистан от 14 августа 2000 года «О совершенствовании судебной системы Республики Узбекистан» в целях реформирования и дальнейшего углубления демократических основ судебной системы, обеспечения справедливого и своевременного рассмотрения судебных дел, дальнейшего усиления гарантий защиты личных, политических, экономических, социальных прав и свобод граждан, а также осуществления специализации судов общей юрисдикции с первого января 2001 года были образованы отдельные суды по гражданским делам и суды по уголовным делам.

Завершением первого этапа формирования судебной системы стало принятие 14 декабря 2000 года Закона Республики Узбекистан «О судах» в новой редакции, отразившего на законодательном уровне фундаментальные гарантии независимости и самостоятельности судебной власти, её эффективности. В соответствии с этим Законом создан эффективный и демократичный правовой механизм реализации подбора и расстановки судейских кадров, законодательно закреплена и осуществлена специализация судов по гражданским и уголовным делам.

Принятие Закона «О судах» в новой редакции явилось новым шагом в Ре-

формировании судебной системы страны. Закон, будучи итогом накопленного за годы независимости в судебной системе опыта, создал условия для дальнейшей демократизации и совершенствования деятельности судов.

Второй этап – это этап либерализации судебно-правовой системы Республики Каракалпакстан охватывает период с 2001 по 2008 гг. Важнейшей программой задачей второго этапа явилось укрепление независимой судебной системы, защита прав и свобод человека. Следует особо отметить следующее:

Во-первых: «Главная стратегическая задача на современном этапе развития – это осуществление принятой в июне 2000 года Программы по либерализации и углублению процесса реформ в политической, экономической и духовной сферах общества».

Во-вторых: Со дня обретения независимости в области либерализации и демократизации судебно-правовой сферы сделаны значительные шаги. Создана судебная система, отвечающая требованиям современной демократии.

В-третьих: Правовая доктрина основана на иных, демократических принципах в соответствии с Конституции Республики Узбекистан, прежде всего, обеспечивается приоритет прав человека. Человек является главным субъектом защиты, и посягательство на его жизнь и здоровье – тягчайшее преступление.

Четвертое: В государстве реализована новая концепция глубокого реформирования и либерализации судебно-правовой системы как важнейшей составляющей формирования правового государства.

В 2001 году начали функционировать предусмотренные Законом «О судах» (2001 г.) отдельные суды по гражданским и уголовным делам, были осуществлены такие задачи, как либерализация уголовного наказания, повышение качества правосудия, сокращение сроков разбирательства дела в суде, введение апелляционного порядка и изменение кассационного порядка рассмотрения уголовных и гражданских дел, совершенствование исполнения судебных решений.

По инициативе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «за истекшие годы в республике сделано много для коренного реформирования судебной системы, в рамках принятой Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. Правовая основа судебной системы закреплена в главе XXII Конституции Республики Каракалпакстан. Так, в соответствии со статьей Конституции судебная система в Республике Каракалпакстан состоит из Верховных судов по гражданским и уголовным делам Республики Узбекистан, избираемых сроком на пять лет, районных, городских судов по гражданским и уголовным делам назначаемых на этот же срок. Создание чрезвычайных судов запрещается (статья 101 Конституции).

Принятая по инициативе главы нашего государства Стратегия действий служит таким целям как коренное повышение эффективности реформ в нашей стране, создание условий для всесторонне гармоничного и ускоренного развития государства и общества, модернизация и либерализация всех сфер. С 1 июня в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёевым от 21 февраля 2017 года УП-4966 «О мерах по коренному совершенство-


ванию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан» в стране начали действовать административные суды. К сведению, в настоящее время в регионах работают 207 административных судов, которым подведомственно рассмотрение административных споров, вытекающих из публично-правовых отношений, а также дел об административных правонарушениях. Свою деятельность начала и судебная коллегия по административным делам Верховного суда Республики Узбекистан.

Таким образом, государство уделяет особое внимание реформированию судебной системы страны, а также поддерживает направление на действенную демократизацию государственного управления и надежную защиту прав и интересов человека, обеспечение строгого контроля за соблюдением конституционных норм о независимости судебной власти, повышение уровня доступа граждан к правосудию.



ЎН УЧ ЙИЛЛИК МОЖАРО

У НИҲОЯТ ЎЗИНИНГ ҚОНУНИЙ ВА МАНТИҚИЙ ЕЧИМИНИ ТОПДИ



Раъно КАМОЛОВА,
Хоразм вилояти
Жиноят ишлари
бўйича суди судьяси.

Урганч тумани “Машина-трактор парки” акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2003 йил 12 август куни ўтказилган навбатдаги йиғилишида жамиятнинг нархи 1.000 сўмдан иборат оддий акциялари номинал қийматини айрим ҳуқуқий-директив ҳужжатларда кўзда тутилган талабларга мувофиқ 11.124 сўмга кўтариш масаласи муҳокамага қўйилганди. Унинг амалий ижросини таъминлаш вазифаси йиғилиш қарорига кўра мазкур акциядорлик жамияти раҳбариятига тавсия қилинди. Бундай қаралса, ҳар бир акциянинг номинал қийматини озмун-чамас, бир йўла салкам 11,5 бараварга ошириб, 11.124 сўмга етказиш қуюшқондан чиққан ноинсофликнинг ўзгинаси эди.

Уни ҳатто ғайриқонуний ҳаракатга йўйса ҳам бўлаверади. Жамият раҳбарияти кузатув кенгашининг қарорини ўзича тушунди. Корхона низом жамғармасини акцияларнинг номинал қиймати ҳисобига ошириш ва шу йўл билан кузатув кенгаши қарорини ижрога йўналтириш мақсадида анча муқаддам лизинг савдолари орқали харид қилинган гаровдаги 2 та “Кейс” маркали тракторни акциядорлик жамияти мол-мулклари рўйхатига киритиши лозим эди. Бу иш шошма-шошарлик билан амалга оширилган. Корхона мутасаддилари акцияларнинг номинал қийматини ошириш

юзасидан кузатув кенгаши чиқарган қарор юқори турувчи раҳбар органлар ва ташкилотлар томонидан маъқулланиши ҳамда тасдиқланишини кутиб ўтиришмади. Қарор тегишли ҳуқуқий асослар ва раҳбарий кўрсатмаларсиз ижрога қаратилган. Оқибат нима бўлди, дерсиз? Гаров объекти бўлмиш иккита дон ўриш комбайни қонунга хилоф равишда корхона мол-мулклари рўйхатига киритилди. Бошқача айтганда, акцияларнинг номинал қиймати ҳали тўлови адо этилмаган ана шу иккита лизинг объекти эвазига оширилган. Кузатув кенгашининг акциялар қийматини лизинг тўловлари аллақачон адо этилган ва корхона мулки сифатида эътироф қилинди. 2 та “Магнум” трактори ҳисобига ошириш ҳақидаги таклиф инobatга олинмаган. Оқибатда жамият бошқаруви мутасаддиларининг ҳали кучга кирмаган мазкур қарор ижросини таъминлаш борасидаги ҳаракати бесамар кетди, корхонанинг бир мулки иккига дўнмади, молиявий-иқтисодий барқарорликка йўл очилмади. Аксинча, лизинг шартномасида белгиланган пул вақтида тўланмагани, бу борадаги қарз миқдори қуюшқондан чиққани боис ҳар иккала трактор етказиб берувчи лизинг ташкилоти томонидан қайтариб олинган. Кузатув кенгашининг юқори органлар





томонидан маъқулланмаган ва кучга кирмаган мазкур қарори узоқ йилларга чўзилган бошқа бир жиддий можарога ҳам сабабчи бўлди.

...Айрим мутасаддилар ўша кезларда юртимиз узра баралла эсаётган ҳурлик шамоли, туб ислохотлар ва тадбиркорлик йўлига тўғоноқ солишга уринишди. Бу воқеа акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ва унинг раҳбари, мазкур жамият акциялар пакетидаги энг катта улуш соҳиби, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг Хоразм вилояти бошқармаси бошлигининг ўша пайтдаги ўринбосари — мониторинг бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Озод Обидов давлатимиз томонидан тадбиркорлик ва унинг ривожини учун яратилган имконлардан оқилона ва самарали фойдаланиш йўллари, чораларини излашга бел боғлаган бир маҳалда рўй берган. Акциялар пакети соҳиби шундай изланишлар асносида белоруссиялик ишбилармон-тракторсозлар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашга муваффақ бўлди. Қардош юрт ишбилармонлари корхона фаолияти билан яқиндан танишиб, истиқболдаги хайрли режани амалга ошириш — Хоразмда “МТЗ” трактор заводи филиалини очишга розилик билдиришди. Бундай корхонанинг Ўзбекистондай истиқболли мамлакат қишлоқ хўжалиғи учун нечоғли катта аҳамият касб этиши, қолаверса, кейинги пайтларда иши анчайин оқсаб қолган акциядорлик жамияти фаолия-

тини қайта жонлантириш, бу билан ҳам кифояланмай, унда қўшимча иш ўринларини очиш, жамоанинг ризқ-насибасини бутлаш учун қулай имкон вужудга келганлигини чуқур англаган урганчлик сармоядорлар янги ҳамкорларнинг акциялар пакетидаги улушни камида 51 фоизга етказиш ҳақидаги таклифини иккиланмай қабул қилишди. Корхона акциядорларининг рухсатини олган Озод Обидов бу ишга астойдил киришди. Харид қилиниши зарур бўлган минг сўмлик оддий акциялар нархини 3 минг сўмга кўтариш таклифини илгари сурди. Бир йўла 200 фоизлик устама фойдага эга бўлиш истаги кўпгина акциядорларни кенгаш раиси билан ҳамкорликка ундади. Шу аснода жами 1.390 та оддий акция оширилган нархда сармоядорларнинг шахсан розилиғи асосида ва ўзаро келишилган шартномага мувофиқ тамомила қонуний йўсинда “Тошкент” Фонд биржаси томонидан уюштирилган аукцион савдолари орқали сотиб олинди. Кузатув кенгаши раисининг Белоруссиядаги машҳур трактор заводи филиалини очиш ва замонавий қишлоқ хўжалик машиналарини бевосита Урганчдаги корхонанинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари акциялар савдоси якунига етгунига қадар давом этди. Шундан сўнг эса ... қилдан қийиқ чиқди. Кузатув кенгашининг қимматли қоғозлар нархини минг сўмдан 11.124 сўмга ошириш юзасидан юқорида зикр этилган санада чиқарган,

аммо тегишли органлар томонидан тасдиқланмагани боис кучга крмай қолиб кетган қарорини пеш қилган тергов органи мазкур кенгаш фаолиятини тафтишлагга киришган. Бу жараёнда атала тиш синдиргани қабилидаги воқеалар рўй берди. Акцияларни ўз хоҳишига биноан юқорида қайд этилган тарзда қонуний асослар бўйича О.Обидовга сотган шахсларнинг деярли барчаси асл ҳақиқатнинг юзига оёқ қўйишди. Кенгаш раиси қимматли қоғозларни оширилган нархларда ўзаро келишув асосида фонд биржасидан сотиб олганини инкор этиб, уни тезда янгисига алмаштириб берман, дея олиб кетганини баён қилишди. Бу ҳол улар томонидан расман берилган кўрсатмаларда ўз аксини топди. Раиснинг ҳаракати боис акциядорларга етказилган молиявий зиён миқдори эса ўша давр нархлари бўйича жами 11 миллион 823 сўмга етганига оид далил тергов жилди саҳифаларидан жой ол-

ган. Бундан ҳафсаласи пир бўлиб, умидсизлик домига тушган ҳамкорлар эса ҳали бошланмаёқ ниҳоясига етган ишни йиғиштириб қўя қолишди. О.Обидов эса қайд этилган ҳолатга кўра Республика Жиноят кодексининг фирибгарликка доир 168-моддаси 3-қисми “а” банди, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилишга тааллуқли 205-моддасининг 2-қисми “а” банди бўйича жавобгарликка тортилди. Дастлабки босқич суди кейинчалик бу айбловга ўзгартиш киритди. Кодекснинг 205-моддаси бўйича қўйилган айб жавобгарнинг зиммасидан соқит қилинди. Айбланувчи мазкур босқич судининг 2006 йил 12 февралдаги ҳукмига мувофиқ 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бироқ кодекснинг бағрикенгликка оид 72-моддаси(шартли ҳукм)га асосан ҳукм бирмунча юмшатилади. Обидовга нисбатан шартли равишда 2 йиллик синов муддати белгиланди. Акциядорларга етказилган молиявий зиённи қоплаш мажбурияти ҳам унинг зиммасига юклатилди. Айни пайтда зиммасига ички ишлар органида вақти-вақти билан рўйхатдан ўтиш ҳамда акция эгаларига етказилган молиявий зиённи қоплаш мажбурияти юклатилди.

Судланувчи ўзига қўйилган айбга иқдорлик билдирди ва тайинланган жазодан қониқиш ҳосил қилди, деёлмаймиз. Аксинча, маҳкумнинг асл ҳақиқатни излаш, айбсизлигини исботлаш, адолат, одиллик, холислик ва қонунийликни қарор топтиришга қаратилган ҳаракатлари суд ҳукмидан сўнг бошланди. Бор ҳақиқатнинг илк нишонаси эса орадан неча фасллар ўтиб, вақт санаси 2010 йилга етганида бўй кўрсатди. Акция нархларини 11.124 сўмга етказишга қарата 7 йил муқаддам чиқарилган ва сармоя соҳибларига катта миқдорда зарар етказилгани тергов ҳужжатларида қайд этилган ва пировардида кузатув кенга-



ши раисини айбланда асосий дастафка айланган машъум қарор мутасадди идоралар ва ташкилотлар томонидан маъқулланмагани ҳамда кучга кирмагани боис 2010 йил 25 майда Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди томонидан бекор қилинди. Ўшанда содир бўлган воқеаларнинг асл қиёфаси хиёл бўлса-да очилгани, вазиятнинг кейинги ривожига бир мунча равон йўл очди. Ҳозирда ҳаёт бўлган собиқ жамоа хўжаликларининг ўша кездеги раҳбарлари: О.Сафоев, И.Бобожонов, П.Оллаберганов, Х.Машарипов, А.Каримов, Ш.Ражабов, К.Зарипов қимматли қоғозларнинг соҳиби мақомидаги оддий фуқаролар Ш.Отамуродов, Р.Султонов, А.Вафоев, Ў.Нуруллаев, И.Бобожонов, Р.Шомуродов, У.Тожиев, Р.Иброҳимовлар анча йиллар муқаддам яқунланган суд ҳамда тергов жараёнларида нотўғри ва ноҳолис тарзда берилган кўрсатмаларга тазйиқ остида имзо чекишгани, аслида акцияларни О.Обидовга ўз хоҳиш-ихтиёри билан тегишли ҳуқуқий ва меъерий ҳужжатлар асосида сотишгани, собиқ маҳқум мазкур қоғозларни алдов ёки фириб йўли билан эгаллаб олмагани, шу сабаб у кишига бирон-бир эътироз учун ўрин йўқлигини маълум қилдилар.

Кузатув кенгашининг собиқ раиси аризасига мувофиқ жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди судлов ҳайъати томонидан 2018 йил 8 ноябрда ўтказилган навбатдаги жараёнда шу ва шу каби ҳолатларнинг бари синчиклаб ўрганилди. Холис эксперт ва мутахассис мақомида гувоҳлик берган Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Н.Хўжаниёзов, унинг муовини Т.Расулов, собиқ брокер М.Жуманиёзовларнинг кўрсатмалари ва ҳали биринчи босқич судлов жараёнидаёқ Республика назорат Маркази мутахассиси А.Исрофилов томонидан берилган

расмий хулоса асл ҳақиқатга мос келиши ва О.Обидовнинг айбисизлигини исботлашга хизмат қилиши эътироф этилди. Ушбу гувоҳликларни тан олмаган К.Худойбергановнинг кўрсатмаси эса ноҳолис бўлиб чиқди. Суд ушбу кўрсатмани инобатга олмади.

Бундай пайтда қонун йўриғи ҳеч шубҳасиз, олдинги маррага чиқади ва амалда ҳам шундай бўлди. Бинобарин, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига биноан акциялар белгиланган тартиб



асосида эҳтимол тутилган бозор қийматида ва тарафлар бу ҳақдаги ахборотдан хабардор бўлган ҳолатда бошқа шахсга берилиши мумкин ва у ушбу қоғозларни мажбуран олиш ёки сотиш ваколатини бермайди. Ўзаро ихтиёрий келишув ўртадаги савдонинг асосий шарти сифатида намоён бўлди. Акциялар баҳоси эса Қимматли қоғозлар бозорини



мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси томонидан акциядорлик жамиятлари эмиссия рисоласига киритилган ўзгартишларни рўйхатга олиш орқали амалга оширилади ва мазкур ташкилот қимматли қоғозларнинг нархини оширмасдан аслидалигича қолдиришга ҳам ҳақлидир. Буни назарда тутса, акцияларнинг сотиб олинишида О. Обидов қонунбузарликка йўл қўймагани аён бўлади ва буни мутахассис сифатида судга гувоҳлик берган ушбу бошқарма бошлиғи Н.Хўжаниёзов бир мунча равшанроқ тарзда ифодалаб берди. Мазкур масалада қонунбузарлик ҳолати мавжуд эмаслиги, бу ҳолат юқори турувчи раҳбар орган – ушбу бўғиннинг республика ташкилоти етакчи мутахассиси А.Исрофиловнинг 13 йил муқаддам ўтказилган дастлабки суд чоғида берган, аммо ўшанда тан олинмаган кўрсатмасидаёқ ўз аксини топгани назарда тутилди. Шу жараёнда, тергов органининг О.Обидов ўзи харид қилган қимматли қоғозларни ўз эгаларидан алмаштириб бериш мақсадида эгаллаб олганига оид даъвоси ҳам асоссиз бўлиб чиқди. Бунда амалдаги тартиб-таомилларнинг ўз йўриғи бор ва унга кўра О.Обидов акцияларни алмаштириб бериш ваколатига эга эмас. Тергов органи эътирози инobatга олинмагани боисини ҳам шундан изламоқ даркор.

Суд ушбу ҳолатларни атрофлича ва синчиклаб ўрганар экан, О.Обидовнинг ҳаракатида дастлабки босқич суди то-

монидан фирибгарлик сифатида баҳоланган жиноят аломати аслида мавжуд бўлмаганини эътироф этди. Собиқ маҳкум ана шу асосга кўра тўла оқлашиб, реабилитация қилинди, унинг устидан муқаддам чиқарилган суд ҳукми бекор этилиб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

13 йил давом этган можаро юртимизда қарор топган адолат, ҳақиқат, одиллик ва холислик туфайли тўла барҳам топди. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция ҳайъатининг О.Обидовни оқлашга доир ажрими қонуний кучга кирди. Собиқ маҳкум ва унга тараф бўлган кўпгина инсонларнинг асаби-ю юрагини йиллар давомида кемириб келган дард буткул ариди.

Қалби айб, ғавғо-маломатлардан холи киши ҳамиша қаддини баланд тутиб, шаҳдам қадамлар-ла юради, руҳий тетиклик юрагига илҳом ва жўшқинлик, билагига эса куч-ғайрат бағишлайди. Адолат ва ҳақиқат эса ҳар қандай ҳолатда ҳам юзага қалқиб чиқмоғи ва тантана қилмоғи зарур. Бу борада судлар зиммасида халқ, давлат ва жамият аҳамиятига молик алоҳида муҳим ҳамда устувор вазифалар турибди. Одамлар дардига малҳам, юрагига мадор бўлишдек шарафли ва масъулиятли вазифа мазкур тизимдагиларнинг фаолият мезони экани ва тоабат шундай бўлиб қолишини унутмаслик даркор.

ХАЛҚИМИЗГА ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИ ТАЪМИНЛАШ - АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

ЖАРАЁН

Хизмат кўрсатиш жараёнларини мақбуллаштириш ва янада соддалаштириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган инновацион шакллارни ҳаётга жорий этиш бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан бирidir.

“Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда”, деди давлат раҳбари Ш.Мирзиёев¹.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг ҳар бир қадамида, жамият ҳаётининг у ёки бу соҳаси билан боғлиқ ҳаракатида давлат органлари билан дуч келиши муқаррар. Бунда халқ оғирини енгил қилиш, уларга “давлат-фуқаро” муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан давлат хизматлари кўрсатишнинг янги концепцияси илгари сурилди ва халқ қабулхоналари асосида Тезкор давлат хизматлари агентлигини ташкил этиш таклиф қилинди.

Ушбу соҳани такомиллаштириш ва тубдан ислоҳ қилишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5278-сон 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тамал тошини қўйди.


Унга мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги, унинг шаҳар ва туман марказлари таш-

кил этилди, “ягона дарча” марказлари Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият кўрсатувчи давлат хизматлари марказларига айлантирилди. Авваллари “ягона дарча” марказлари фақат тадбиркорларга хизмат кўрсатган бўлса, 2018 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматлари марказлари аҳолига ҳам хизматларни тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда, бу аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш имконини беради.



Шахноза ГАФАРОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Адлия
вазирлиги ҳузуридаги
Юристар малакасини
ошириш маркази
катта ўқитувчиси





Маълумки, 2003 йилдан буён тадбиркорлик субъектларини «ягона дарча» тамойили бўйича рўйхатдан ўтказиш туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга ошириб келинган.

2016 йил 1 январдан бошлаб эса Инспекциялар негизида фақатгина Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилди.

Кейинчалик, яъни 2017 йил 1 февралдан Ягона марказларнинг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича кейинги қадам бўлиб хизмат қилди. Шу орқали вертикал бошқарувни шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди.

Шу билан бирга, давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига айрим муаммолар тўсқинлик қилди. Ушбу тўсиқларни бартараф этиш, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб олинди. Уларга:

биринчидан, давлат хизматлари кўр-

сатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улғувор ғояни сўзсиз амалга ошириш;

иккинчидан, Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш;

учинчидан, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини, энг аввало, ортиқча тартибтаомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

тўртинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

бешинчидан, давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиш орқали («мобиль давлат хизматлари») кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартароф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган графигидан фойдаланиш;

олтинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илғор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизими, шу жумладан тезкор алоқаларни, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларда он-лайн сўровларни ташкил қилиш;


еттинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тизимли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг етакчи ихтисослашган муассасаларида стажировка ўташ орқали тизимли равишда оширишни ташкил этиш белгиланди.

Мазкур сиёсат изчил давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг (ПҚ-3430-сон 12.12.2017)

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги «Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғриси»даги Қарори қабул қилинди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ҳамда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларининг намунавий тузилмаси фаолияти белгилаб берилди.

Юқоридаги Президент фармони ва қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 январдаги 70-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тўғрисида Низом ишлаб чиқилди ва ушбу норматив ҳужжат асосида агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларининг вазибалари ва функциялари, шунингдек ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, агентлик фаолиятини ташкил этиш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Тошкент ш., 2018 йил 1 июнь, 5-сон) Ўзбекистон Респуб-



ликаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг (Тошкент ш., 2018 йил 1 июнь, 08/23-сон) Қарорига илова асосида давлат хизматлари ЯГОНА РЕЕСТРИ шакллантирилди. Реестрда республикада мавжуд барча фаолияти доирасида давлат хизматлари кўрсатиладиган ташкилотлар турлари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари акс эттирилди.

Албатта ушбу соҳани ислоҳ қилиш ва халқни давлат идораларидан рози бўлишига қаратилган фаолиятини такомиллаштириш жараёнида илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, ижобий халқаро амалиётни маҳаллий шароитларга мослаштириш ва жорий этишнинг ўрни бекиёсдир.

Сингапур ахборот технологияларини жорий этиш бўйича дунёнинг етакчи давлатлардан бири. Сингапур дунёдаги илк электрон ҳукуматни жорий қилган мамлакат бўлиб, 1999 йилда e-Citizen Centre (www.ecitizen.gov.sg) йирик ҳукумат портали ташкил этилган, унда фуқаролар у ёки бу давлат идорасига тегишли ахборотга эга бўлиши билан бирга, турли ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Мадомики, илгари фуқаролар у ёки бу соҳа билан боғлиқ ҳаракатлар учун давлат органларига ташриф буюриши даркор эди.

Жанубий Кореянинг электрон ҳукумати ҳам жаҳонда эътирофга сазовор бўлган. Корея етакчилигининг сабаби мамлакатнинг ягона интеграциялашган порталидан кўчириб олинган мобил иловаларни ривожлантириш ва таъминлашдир. Жанубий Кореяда электрон ҳукуматни шакллантириш 2001 йилда электрон ҳукуматни ташкил этувчи асосий блоклар бўйича чоралар қабул қилиниши билан бошланди. 2003 йилда Жанубий Корея ушбу чоралар бўйича 225 миллион доллар сарфлаган ҳолда, ахборот жамиятининг ривожланиши бўйича - рақамли имкониятлар индекси бўйича дунёда 4-ўрин ва Жаҳон банкининг версиясига кўра 12-ўринни ҳамда Давлат хизматларини амалга оширишида ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича БМТнинг рўйхатига асосан 13-ўринни эгаллади.

“Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини бажариш, шунингдек электрон ҳукумат марказий маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплекслари билан интеграциялаш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада оширишни белгилаб берди. Бу эса давлат хизматларни нафақат давлат хизматлари кўрсатиш ваколатига эга ташкилотларга мурожаатчиларнинг шахсан ўзи боришини талаб этмай, балки ҳозирги замон техника ва технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда маса-





фадан туриб ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг кўзга кўринарли ривожланиш бу, албатта, технология билан боғлиқ қулайликлар ҳисобланади. Янги технологиялар бир вақтнинг ўзида давлат ва фуқаролар учун бир бирлари билан мулоқот қилишга янги ва қулай йўللарни очиб берди. Хусусан, ҳозирги кунда интернетдан кенг қўламли фойдаланиш ва смартфонларга эгалик қилиш аҳолини тезкорлик билан ахборотга эгалик қилиш, ўзларининг манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқадиган хизматларга уланишга фақат технология ёрдамига таянишга ўргатиб қўйди.

Вьетнам мисолида давлат хизматларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2003 йилда ҳукумат мамлакат бўйлаб one-stop shop туридаги аҳолига хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этишни бошлади. Кейинчалик эса, интернет ёрдамида тизим такомиллаштирилиб, фуқароларнинг ҳудудий марказларга келиши шарт бўлмасдан ҳам онлайн шаклда хизматлардан фойдаланиш тизими яратиб борилди.

Аҳолига хизмат кўрсатишда рақамли платформага ва кўп тармоқли йўналишларга ўтилиши билан ҳукумат интернет саҳифалари орқали кўпроқ хизмат турларини таклиф этмоқда. Канадада аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини мисол

қилиб оладиган бўлсак, аҳоли биргина веб саҳифа орқали турли хилдаги хизматлардан фойдаланиши мумкин. Ёки бўлмаса, бир нечта давлатлар аҳолига рақамли хизмат кўрсатиш порталларини, хусусан Франциядаги Жамоат Хизмати (Public service) ва Сингапурдаги eCitizen Portal мисол қилиб олишимиз мумкин ва ушбу порталлар аҳолига битта платформа орқали турли хилдаги хизматлардан фойдаланиш имконини яратиб беради. Бошқа давлатларда эса, мавжуд Brick-and-mortar туридаги аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини компьютерлаштириш орқали аҳолига энгиллик яратиб бермоқда.

Ўзбекистонда ҳам асосий эътибор навбатда туришларни кескин камайтириш, сансалорликнинг олдини олиш, халқни давлат идораларидан рози бўлишига қаратилди. Кундалик ҳаётда ҳар биримиз рўпара келадиган никоҳни қайд этиш, фарзанднинг дунёга келиши, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш ташвиши, улар билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш, тегишли тўловларни амалга ошириш эндиликда Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади ҳамда бир нечта давлат хизматларидан фойдаланишда масафадан туриб, Урау, Рауме, Click хизматлари орқали кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш жорий этилди. Бу нафақат сарф-ҳаражатларни,

балки инсон учун қимматли бўлган вақт-ни тежашга имкон яратди.

Худудий аҳолига хизмат кўрсатиш марказларида компьютерлаштириш ва хизматларнинг кўламини Ҳиндистон тажрибаси мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Ҳиндистонда аҳолига хизмат кўрсатиш худудий нуқтаи назардан олиб борилади. Ҳиндистондаги Карнатака худудидаги Неммади маркази мисолида кўришимиз мумкин. Карнатака қишлоғи Неммади Марказидаги кузатувлар шуни кўрсатдики, ушбу марказдан фойдаланган аҳоли компьютерлаштирилмаган марказлардан фойдаланганига нисбатан эндиликда 3 марта камроқ марказ биносига ташриф буюрмоқда, офисда бир соат камроқ вақт сарфламоқда, хизмат учун камроқ ҳақ тўлаш билан биргаликда 3 ҳафта олдинроқ хизмат уларга етказиб берилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш марказларини компьютерлаштириш орқали биринчи навбатда хизмат кўрсатиш тезлиги ошади, шунингдек, ҳақ тўловлари камайди ва албатта, бу коррупцияга қарши курашда ўзига хос йўл бўла олади.

Ўзбекистонда давлат хизматларини кўрсатиш тизими изчиллик билан ривожланиб бормоқда ва модернизация қилинмоқда. [https://fo.birdarcha.](https://fo.birdarcha.uz)

<https://my.gov.uz/uz> порталлари орқали Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона Портал, ЯИД-ХП) фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш ва улар ҳақида энг зарур маълумотлардан фойдаланишнинг ягона нуқтаси яратилди. Ягона Портал хизматларининг янги талқинида барча хизматлар ҳар бир шахсга мослаштирилган ва рўйхатдан ўтгандан сўнг фойдаланиш имконини беради. Портал орқали хизматлардан фойдаланишда марказга бориб фойдаланиладиган хизматлардан фарқли равишда чегирмалар белгиланган. Бу ҳам айнан содда, қулай, шаффоф ва тезкор хизматларни таъминлашга қаратилган фаолиятнинг ёрқин намунаси дир.

Ўзбекистон Республикасида Давлат хизматлари агентлиги худудий барча вилоятлар марказлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси кесимида 12 та марказлар шунингдек, олис худудлар аҳолисига қулайлик яратиш, уларни ортиқча оворагарчиликлар ва ҳаражатлардан халос этиш мақсадида 201 та Давлат хизматлари марказлари билан бир қаторда, уларнинг республика бўйлаб 48 та шохобчалари фаолиятини йўлга қўйган.

Агентлик янги махсус платформани ишга тушириб, Унинг ёрдамида бўла-



жак бизнес-ҳамкор (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор) тўғрисида маълумот олиш ва ишончли эканлигини текшириш имкониятини яратди.

Мазкур хизматни жорий қилиш Буюк Британия тажрибаси натижаси ҳисобланиб, асосий мақсад - мазкур давлат хизматлари соҳасининг энг яхши амалиётларини ўрганиб, ижобий тажрибани Ўзбекистонда жорий этишдир. Британиянинг «Companies house UK» га ўхшаш, аммо маҳаллий шароитларга мослаштирилган махсус платформа яратилди. Унинг ёрдамида тадбиркорлик субъектлари ҳақида асосий маълумотларни очик, онлайн равишда олиш имконияти яратилди.

Мазкур сервиснинг асосий вазифаларидан бири - фуқароларга келажакдаги ҳамкорлари билан алоқаларни ўрнатишда фирибгарликларни олдини олишдан иборат. Потенциал бизнес шерик ҳақида иккита портал орқали онлайн маълумот олиш мумкин бу - fo.birdarcha.uz ва mu.gov.uz. Аввалги маълумотлар базасида маълумотларни шаффоф тарзда тақдим этиш имконияти мавжуд бўлмаган, бу эса инвесторларнинг юридик шахс тўғрисида тўлиқ маълумот олиш имкониятини чеклаган эди. Эндиликда мазкур тизим рўйхатдан ўтган санадан тортиб, бошқарувчи тўғрисида маълумот, агар юридик шахслар ҳақида гапирадиган бўлсак, муассислар ва уларнинг устав жамғармасидаги улушига тегишли мавжуд маълумотларни автоматик тарзда тақдим этади. Мурожаатчидан эса фақатгина тадбиркорлик субъектини СТИР-рақамини киритиш талаб этилади.

Бу каби платформани яратиш - мамлакатимизнинг инвестиция муҳитини яхшилаш, бизнес фаоллигини оширишга қаратилган қадамларидан бири ҳисобланади. Буларнинг барчаси Давлат хизматлари агентлигининг фаолияти очикликка, аҳолини қизиқтирадиган маълумотга эга бўла олиши, шунингдек, уларни олишга сарфлаётган вақтларини тежалишига қаратилган эканлигининг

яққол исботидир.

Асосий мақсадимиз сифатли, қулай, содда ва шаффофлиги билан ажралиб турадиган давлат хизматларини халқимизга хизмат қилишини таъминлаш. Олдимизга қўйган юксак марраларимиз қанчалик машаққатли бўлмасин, уларга етиш учун барча имкониятларимиз - илмий ва бунёдкорлик салоҳияти ҳамда тадбиркорлик фазилати мавжуд ва бу бизга бу йўлда беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев "2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси" 2017 йил 22 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5278-сон 12 декабрь 2017 йилдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони
3. <http://lex.uz/>
4. www.service-public.fr
5. www.Ecitizen.gov.sg
6. <https://t.me/davxizmat>

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



**Баҳодир
ИСРОИЛОВ,**
*Иқтисод фанлари
доктори,
профессор*

АННОТАЦИЯ

Автором исследованы причины возникновения коррупции и его последствия и связь коррупции с теневой экономикой.

По результатам исследования даны предложения по установлению и конкретизации ответственности юридических лиц за совершение коррупционных правонарушений, отмывание преступных доходов и финансирование терроризма.

Ключевые слова:

Коррупция, теневая экономика, ответственность, юридические лица, правонарушение.

ANNOTATION

Author investigates prime causes of corruption and its outcomes, correlation between corruption and shadow economy.

Due to outcomes of this paper, proposals elaborated on establishing and particularization of responsibilities of legal entities for committing corruption offences, money laundering and financing terrorism.


Key words

Corruption, shadow economy, responsibility, legal entities, law offence.

Дунё иқтисодиётининг ўзаро интеграциялашуви мамлакатлар иқтисодиётини янги технологиялар асосида жадал суръатлар билан ривожланишига хизмат қилмоқда. Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича АҚШ (24,3 %) ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Лекин халқаро PWC компанияси прогнози бўйича 2050 йилга келиб янги технлогиялар ривожланиши ҳисобига дунё иқтисодиёти 2 мартага ўсиши, Хитой ва Хиндистон 1, 2 ўринларни эгаллаши ҳамда Мексика иқтисодиёти ҳозирда дунё иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллаб келаётган Германия ва Буюк Британия каби давлатлардан ўзиб кетиши тахмин қилинмоқда [1].

Иқтисодий интеграциялашув жараёнлари қайд этилган ижобий жиҳатлари билан бирга жамият ва давлат учун хавфли оқибатларга ҳам сабаб бўлади. Айни пайтда, дунё иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, кишилар яшаш сифатининг ошиши билан бирга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва тер-





коррупцияга оид ҳукубузарликларни содир этиш кўрсаткичларининг ҳам ўсиши кузатилмоқда. Ушбу тоифадаги ҳукубузарликлар халқаро характерга эга бўлиб, ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар учун ҳам долзарб бўлган ижтимоий хавфи иллат ҳисобланади.

Шу сабабли БМТ, ОБСЕ, ЕИ ва ФАТФ каби халқаро ташкилотлар томонидан ушбу тоифадаги ҳукубузарликлар билан курашишга қарши халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

Коррупция - давлат хизматчиларининг функционал ёки профессионал вазифаларини таъзиқ ёки ихтиёрий равишда бузиш йўли билан содир этиладиган жиноий ҳаракатларнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Коррупциянинг ижтимоий характерга эга бўлган энг муҳим салбий таъсири ҳам аҳолининг ҳокимиятга нисбатан ишончини йўқолиши ва натижада давлат ҳокимияти ваколатларининг заифлашувида намоён бўлади.

Мамлакат иқтисодий ўсиши ва ривожланишига тўсқинлик қилиш билан бирга, коррупция натижада жаҳон ҳамда миллий иқтисодиётлар барқарорлигига ишончсизлик ортиб боради. Коррупциянинг иқтисодий ўсишга салбий таъсири биринчи навбатда яширин иқтисодиётда намоён бўлади.

Маълумки, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотидagi соя иқтисодининг улуши давлат қонунчилигининг ривожланиш даражаси, солиқ юки ва давлат назорати каби бир қатор омилларга боғлиқ.

Бутун дунё бўйлаб, ялпи ички маҳсулотда расмий иқтисодий секторнинг улуши ўртача 5 фоиздан 10 фоизгача баҳоланади [3].

Халқаро дипломли ва сертификатли бухгалтерлар ассоциацияси (АССА) тадқиқотилари натижасига кўра Россияда яширин иқтисодиёти 33,6 триллион рубл ёки мамлакат ЯИМнинг 39 фоизини ташкил қилади. Бу дунё бўйича тўртинчи ўринни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, биринчи учта мамлакат Озарбайжонга (ЯИМнинг 67%), Нигерия (48%) ва Украина (46%) ҳисобланади. Яширин иқтисодиётни ялпи ички маҳсулотдаги миқдори даражаси АҚШ (ЯИМнинг 7,8%), Япония (10%) ва Хитой (10,2%) давлатларида минимал миқдорни ташкил этган [4].

Шубҳасиз, ривожланишнинг демократик йўлини танлаган барча мамлакатлар коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш учун умумий халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик ҳақида келишиб олишга ҳаракат қилмоқда.

Коррупция даражасини қисқартиришга қизиқиш кўрсатаётган халқаро ташкилотлар айрим олинган давлатлар ва дунё бўйича коррупцияни минималлаштириш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий ва техник механизмлар билан коррупцияга қарши курашнинг махсус воситаларини таклиф қиладилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Кенгаши, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти ва Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар кор-



рупцияга қарши курашиш йўлларини ишлаб чиқиш ҳамда аъзо мамлакатлар томонидан кенг қўллаш бўйича тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар.

Шунингдек коррупцияга қарши курашиш юзасидан кенг кўламли тадқиқотлар Халқаро Галлуп институти, Базель қўмитаси, ИНДЕМ фонди ва «Транспаренси Интернешнл» халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан ҳам олиб берилмоқда.

Иқтисодий интеграллашув жараёнида коррупция ҳолатларининг корпоратив секторда ҳам ўсиши кузатилмоқда. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари таҳлили уларни бизнес манфаатлари мақсадида содир этиш ўсганлигини кўрсатмоқда. Бизнес мақсадларида содир этилаётган коррупциянинг кўпайишига мамлакатнинг табиий ресурсларга бойлиги, давлат иқтисодиётининг табиий ресурсларни экспортга боғлиқлиги, давлат органлари фаолиятининг шаффофлилик, давлат хизматчисининг ижтимоий таъминлаш, химоялаш ва ҳуқуқбузарлик учун қонунчиликда белгиланган жазо даражаларида боғлиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни кўпайиши ёки камайиши фуқароларнинг коррупцияга бўлган муносабатлари, яъни муросасизлиги ёхуд бефарқлигига ҳам боғлиқдир.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш бўйича ўтган икки йил мобайнида

бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасинин «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни [5] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сонли Қарори [6] қабул қилинди. Мазкур қарор билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури ва «Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси тўғрисида»ги Низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси»да «коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш» муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган [7]. Ушбу меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги вазифалар учун дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Фикримизча, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар кўламига қарамасдан ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар кўп.

«Транспаренси Интернешнл» халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра 2017 йил якунлари бўйича 180 мамлакат ўртасида Қозоғистон 122, Россия ва Қирғизистон 135 ва Ўзбекистонни 157 ўринни эгаллаган. [2].

Халқаро компания томонидан эълон қилинган ушбу рейтинг маълумотлари мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш, уни келиб чиқиш сабаблари, уни бартараф этиш йўллари аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказиш ҳамда мавжуд муаммолар ечимига оид зарур таклифлар ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Коррупция жиноятларининг иқтисодий таъсир бўйича Россия олимларининг тадқиқот натижалари иқтисодий таъсир коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар оқибатида тўғридан-тўғри йилига 20 дан 40 миллиард долларгача зарар етказишини кўрсатмоқда. Бундан ташқари коррупция капитални четга чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Капитални четга чиқиб кетиши эвазига Россия иқтисодий таъсирининг билвосита йўқотишлар ҳажми йилига тахминан 20-25 миллиард долларни ташкил этмоқда. Коррупция ҳуқуқбузарликлари оқибатида иқтисодий йўқотишнинг ўртача умумий даражаси Россия ЯИМнинг қарийб 2,5 фоизини ташкил қилмоқда.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаси бўйича Гарвард университети олимлари томонидан коррупция маҳсулот ва хизматларнинг нархини 5-15 фоизга оширади ва давлат харидлари бўйича ҳар йили бюджетга барча мақсадли бюджет харажатлари миқдорининг тахминан 30 фоизи даражасида зарар етказилади деган хулосага келинган [7].

Коррупция ҳолатларининг таҳлили ушбу турдаги жиноятларнинг аксарият қисми юридик шахслар билан боғлиқ ва улар манфаатларини кўзлаб содир этилганлигини кўрсатмоқда (масалан, давлат танловларида ғолиб бўлиш, давлат харидлари учун маҳсулот етказиш

ва шу кабилар).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”нинг 26-моддаси Конвенцияда иштирок этувчи давлат зиммасига юридик шахсларни коррупцияга алоқадор жиноятларда иштирок этишлари учун қонуний равишда жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан зарур чоралар кўришни белгилаш вазифасини юклайди. Бундай жиноятлар учун жавобгарлик ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ иштирокчи-давлат қонунларида белгиланган жиноий, фуқаровий ёки маъмурий жазо бўлиши мумкин. [10]

Коррупцияга оид жиноятлар учун юридик шахсларни жавобгарликка тортишга доир қонун меъёрларини амалга киритиш жараёнлари ўтган асрнинг 80 йилларида бир қатор мамлакатларда янги жиноят кодекслари қабул қилиниши муносабати билан бошланган. Масалан, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортиш 1976 йилдан Голландияда, 1991 йилдан Норвегияда, 1992 йилдан Францияда, 1995 йилдан бошлаб Америка Қўшма Штатлари, Финляндияда, 1997 йилдан Канада, Хитойда, 1999 йилдан - Руминия, Словенияда, 1998 йилдан бошлаб - Дания, Исроил, Ирландия, Исландияда, 2001 йилдан Белгия, Венгрияда 2002 йилдан Полша





да, 2003 йилдан Швецарияда тартиби жорий этилган.

Ҳозирги кунда коррупцияга оид жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги билан боғлиқ амалиёт дунёнинг 70 дан ортиқ давлатлари қонунчилигида мавжуд [7].

Бироқ, БМТнинг коррупцияга қарши Конвенциясида жиноий жавобгарлик юрисдикция белгиланшига қарамасдан, миллий даражада, ушбу қоидаларнинг ҳақиқий амалга ошириш МДҲ мамлакатлари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» ги Қонунининг 27-моддасида «Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади « деб таъкидлайди. Бироқ, фуқаролик, маъмурий ва жиноий қонунчиликда коррупцияга оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш учун юридик шахслар жавобгарлиги белгиланмаган.

Тадқиқотлар жараёнида Қирғизистон (96-модда), Ўзбекистон (53-модда) ва Россия Федерацияси (61-модда) Фуқаролик Кодексларининг юридик шахсларнинг тугатилиши билан боғлиқ нормалари таҳлил қилинди. Ушбу мод-

даларда коррупция ва жиноий даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар содир этганлик учун юридик шахсларни тугатиш масалалари белгиланмаган.

Худди шундай ҳолатларни маъмурий ва жиноий Кодексларда ҳам кузатиш мумкин.

Россия Федерацияси қонунчилигига кўра (25.12.2008 йилдаги 273-ФЗ - сонли Қонун 14-моддаси) юридик шахс номидан ёки унинг манфаати учун коррупция ёки коррупцияга оид жиноятлар содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган ташкилот, коррупция ёки жиноятларга тайёргарлик кўриш ва уни бажариш учун Россия Федерацияси қонунларига мувофиқ юридик шахсга нисбатан жавоб чоралари қўлланилиши мумкинлиши белгиланган. Ушбу модда меъёрида юридик шахсни жавобгарликликка тортиш жисмоний шахсни жавобгарликдан озод қилмаслик ва мазкур қоидалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хорижий юридик шахсларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Лекин Россия Федерацияси қонунчилиги меъёрлари юридик шахсларга нисбатан коррупция жиноятлар учун фақат маъмурий ва фуқаролик жавобгарлик белгиланишини назарда

тутади.

Қайд этилганлар коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида юридик шахсларнинг коррупция жиноятлари учун жавобгарлигини белгилашга оид миллий ҳуқуқий меъёрларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси” ва ҳуқуқни қўллашнинг халқаро стандартларга мослаштириш зарурлигини кўрсатмоқда

Юқорида таъкидланганларна асосан юридик шахсларнинг коррупция жиноятлари учун жавобгарлигини белгилашга мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

- фуқаролик қонунчилигига коррупцион хатти-ҳаракатлар учун юридик шахсларга турли санкциялар қўллаш (фаолиятни чеклаш, молиявий санкциялар, коррупция ҳолати билан боғлиқ даромадларни бюджетга ундириш, рўхсатнома ва лицензиялардан маҳрум қилиш ва ҳоказолар) ва уларни тугатиш бўйича жавобгарлик меъёрларини киритиш;

- жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги жиноятлар учун, шу жумладан шубҳали молиявий ва бошқа битимлар тўғрисида юридик шахсларнинг ахборотларини яшириш учун юридик шахсларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарлигини белгилаш;

- ФАТФ ва унинг таркибий тузилмалари ўртасида тезкор маълумотлар алмашиш механизмини йўлга қўйиш.

Фикримизча, коррупция, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги жиноятлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги қуйидаги турларда бўлиши зарур:

- ☒ молиявий санкциялар;
- ☒ коррупция ҳолати билан бевожита ёки билвосита боғлиқ даромадларни бюджетдаги ундириш;
- ☒ маъмурий жарима;
- ☒ айрим фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялардан

маҳрум қилиш;

- ☒ юридик шахсни тугатиш;

Юридик шахсларга нисбатан юқорида кўрсатилган жавобгарлик чораларини жорий этиш коррупцион жиноятларнинг олдини олиш, коррупция хатарларини камайтиришга ва яширин иқтисодиёт улусини камайтириш ҳамда мудқдорлар ва бошқарув ходимлари жавобгарлигини ошириш учун хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://golos.io/>.
2. <https://www.transparency.org>.
3. К.В.Привалов. Теневая экономика. Теорико - правовой аспект. Учебная пособия. Санкт-Петербург, Издательство СП Политехнического университета, 2012 г.
4. <https://m.business-gazeta.ru/news/>.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 9 январь 1-сон, 2-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сонли Қарори. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 6 февраль 5-сон, 62-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 февраль 6-сон, 70-модда.
8. http://www.u.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml
9. Российская газета, 2010 г. 15 октябрь Резолюция № 58/4, БМТ 58-сессияси, 51 пленар йиғилишида қабул қилинган. 31 октябрь 2003 йил, Нью-Йорк.
10. Б.И.Исмаилов. Правовые аспекты ответственность юридических лиц за совершение коррупционных правонарушений, Сборник НПК, 27 апрель 2018 г, 13-бет.

РАЗВИТИЕ ПРАКТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ УЧАЩИХСЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ ЮРИДИЧЕСКОЮ ПРОФИЛЯ



Рафик ШАКУРОВ,
Доцент кафедры
Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистана, кандидат юридической наук.

Важное значение в усвоении студентами или слушателями дисциплин, занимают практические занятия. Сущность практических занятий для учащихся в высших учебных заведениях юридического профиля, состоит в том, что они способствует формированию у них профессиональных навыков, умений работать с нормативными документами, принимать заявление у граждан, заполнять протоколы, составлять процессуальную документацию.

Роль практических занятий для преподавателя заключается в том, что они дают возможность проверить, как учащиеся усвоили теоретические положения конкретной дисциплины, степень приобретения навыков самостоятельно делать выводы и обобщения, принимать самостоятельно решения в различных правовых отношениях.

Большинство педагогов юристов отмечают, что именно практические занятия повышают интерес учащихся к дисциплине и соответственно результативность обучения, формируют навыки практической деятельности посредством приближения учебного процесса

к реальным правовым ситуациям, создают условия для формирования собственной гражданской позиции.

Обязанность преподавателя состоит в методически правильной организации выполнения учащимися практических заданий, умелом направлении их деятельности, в обеспечении занятия необходимыми инструкциями, методическими пособиями и материалами, четкой постановке цели занятия.

Мы не ставили цели охватить и раскрыть многообразие всех видов практических занятий, которые могут проводиться в виде дидактических игр и игровых элементов, имитационных игр и игровых элементов, ролевых игр, иллюстративных игр, деловых игр, решения проблемных ситуаций и практических задач и др.

В основном, практические занятия в учебных заведениях проводятся после изучения крупных разделов, тем и носят обобщающий характер.

Известно, что содержание дисциплины, темы, вид занятия, часы, выделенные на изучение конкретной темы, как принято, предусматриваются в тематических планах и методических материалах для учащихся по изучению конкретной дисциплины, которые дают возможность преподавателю и учащимся знать о сущности следующего





занятия. Поэтому подготовка к практическому занятию начинается с анализа учащимися методических материалов, где расписаны задания для подготовки к очередному занятию.

Такие методические материалы способствуют эффективному изучению конкретной дисциплины. В качестве примера, можно привести методические материалы для изучения дисциплины «Уголовное право. Общая часть» и другие, которые используются уже достаточно большое время в Академии МВД Республики Узбекистан.

Структурно названные методические материалы состоят из тематического плана, руководящей литературы, далее идут конкретные темы дисциплины, отведённые часы для вида занятия (лекция, семинар, практическое занятие и занятие самообразование), план лекции, вопросы для семинарского занятия и самообразования, материал для практического занятия, темы для рефератов или докладов, ключевые слова и термины, рекомендуемые нормативно-правовые акты, юридическая и другая литература.

Учебный материал для практического занятия может состоять из: 1) задания; 2) контрольных вопросов; 3) ситуационных и практических задач; 4) тестовых заданий.

Задания и контрольные вопросы восполняют и способствуют правильному решению ситуационных и практических задач.

В частности, задания представляя собой, дополнительный способ для са-

мопроверки учащимися своих знаний либо для контроля их знаний преподавателем, может заключаться, например, в анализе конкретных норм действующего национального и зарубежного законодательства, положений постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан.

Сущность контрольных вопросов состоит в том, что учащийся на основе представленных вопросов может проверить свои теоретические знания и определить какой вопрос следует закрепить практически. Преподаватель может задать учащемуся контрольные вопросы присущие к конкретной ситуации, которая в данный момент решается учащимся и посредством этого определить степень уяснения учащимся изучаемой темы.

Как показывает педагогическая практика, тестовые задания на практических занятиях в основном необходимы для оценки знаний учащихся, не выполнивших или неправильно выполнивших ситуационные или практические задачи.

Учащиеся желающие получить на занятии высокие оценки по желанию могут написать реферат по одной из тем, которые предложены в методических материалах, и выступить с докладом на практическом занятии.

Как правило, если по теме предусмотрено практическое занятие, то преподаватель в конце предыдущего лекционного занятия или семинарского занятия, должен об этом сказать учащимся и отметить к каким практи-

ческим заданиям они должны подготовиться и какие из заданий должны быть выполнены письменно. При этом, преподаватель обязан рекомендовать учащимся, что для ответа на задания и контрольные вопросы, а также решения ситуаций и практических заданий, они могут и должны использовать рекомендуемую в методических материалах словарь с основными понятиями и терминами, нормативно-правовые акты, постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, а также юридическую литературу (учебники, учебные пособия, научные статьи) по конкретной теме.

Ситуационные или практические задачи, которые включаются преподавателем в методические материалы или практикум для практических занятий, должны быть взяты из достоверных источников, где можно будет найти правильный и обоснованный ответ. Например, таковыми могут быть примеры судебной практики Верховного суда Республики Узбекистан, которые публикуются официально и имеют законный характер.

При этом, важно после ситуационных или практических задач ставить правильные вопросы, на которые должен ответить учащийся. К тому же после вопросов, рекомендуется указать


учащемуся, на необходимость ссылки на законы или другие подзаконные акты на которые он основывался при ответе на задачу.

В процессе подготовки к практическому занятию, преподаватель особое внимание должен отдавать дидактическому материалу, которые могут быть в виде учебных наглядных пособий, действующих постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, плакатов, кластеров, презентаций, образцов процессуальных документов. Безусловно, использование подобных дидактических материалов способствует активизации познавательной деятельности обучаемых, экономии учебного времени.

Большой эффект приносят практические занятия на которые могут быть приглашены действующие работники правоохранительных органов. Такой практический работник наделяется правом задавать вопросы, распределять роли среди учащихся, делать замечания, а по окончании занятия отмечать наиболее активных и отличившихся учащихся.

Важная роль в развитии практических навыков у учащихся отведена занятиям, которые проводятся на специализированных полигонах для практических занятий, где созданы условия приближённые к конкретным жизненным ситуациям. Такими полигонами могут быть, например, помещение в виде кабинета следователя, жилое помещение в котором может проводиться занятие по фиксации и раскрытию хищения чужого имущества, бытового насилия, парк (сквер), где можно проводить занятия по расследованию хулиганства, участок дороги (перекрёсток), где установлен факт дорожно-транспортного происшествия, дежурная часть органов внутренних дел и др. Практические занятия на полигоне могут быть записаны на видеозапись, которое в дальнейшем может быть просмотрено и обсуждено в учебной аудитории.





В привитие практических профессиональных навыков способствуют выездные занятия (учебная практика, стажировка) учащихся в практические органы, где в качестве наставников определяются работники правоохранительных органов. Под их руководством учащиеся воочию наблюдают и участвуют в мероприятиях проводимых работниками правоохранительных органов по обеспечению общественного порядка, предупреждению, профилактике, а также раскрытию и расследованию правонарушений.

Не является секретом, что до сих пор имеет место случаи применения без надобности работниками правоохранительных органов физической силы в отношении граждан. Причинами подобных незаконных действий в основном являются негативное психологическое состояние работника правоохранительных органов, которое складывается в результате незаконных действий со стороны правонарушителей и отдельных граждан, с которыми в силу своей профессиональной деятельности ему приходится общаться.

Поэтому полагаем, что наряду с общетеоретическими и практическими занятиями есть целесообразность введение в учебный план специальных психологических тренингов, где специалисты путём воздействия на психику обучаемых, формируют и совершенствуют у них психические качества и

свойства личности, необходимых для решения поставленных задач в конкретных ситуациях. Такие занятия воспитают учащихся правилам общения с гражданами в чрезвычайных или конфликтных ситуациях, умениям не потерять контроль над собой и действовать максимально конструктивно, подавлять в себе стресс, самоуспокоиться. Безусловно, для проведения таких психологических тренингов должны быть привлечены соответствующие специалисты-психологи. Естественно, эффект таких тренингов связан с практически занятиями в виде имитационного моделирования конкретной ситуации, которую должен пережить каждый учащийся в отдельности.

Кроме того, исходя из опыта зарубежных стран, в целях восстановления нормального психического состояния, полагаем необходимым систематически (например, один раз в полгода) проводить психологические тренинги с уже действующими работниками правоохранительных органов.

В заключении следует отметить, что повышение требований к работникам правоохранительных органов, обуславливает необходимость внедрения новых передовых и современных методов их обучения и подготовки. В связи с этим, полагаю, что есть все основания для дальнейшего развития и внедрения прогрессивных зарубежных методов проведения практических занятий.

ЮРИДИЧЕСКАЯ ПРИРОДА ПРИНЦИПОВ ТРИПС ВСЕМИРНОЙ ТОРГОВОЙ ОРГАНИЗАЦИИ



**Олимжон
ИСРОИЛОВ,**
соискатель
Академии
государственного
управления при
Президенте
Республики
Узбекистан.

После того, как с 1 января 1995 г. соглашение ВТО вступило в силу, развитым странам был предоставлен один год на приведение законодательства и практики работы в соответствии с положениями соглашения «Торговые аспекты прав интеллектуальной собственности (ТРИПС)». Развивающимся странам и (при оговоренных условиях) странам с переходной экономикой для имплементации данного соглашения был отведен срок — 5 лет, наименее развитым странам на эти цели было предоставлено 11 лет.

В случае, если на момент вступления соглашения в силу (1 января 1995 г.) какая-либо развивающаяся страна не могла обеспечить патентную защиту товаров в какой-либо области технологии, ей предоставлялась возможность обеспечить такую защиту в течение последующих 10 лет. Что касается фармацевтической и агрохимической продукции, страны должны принимать заявки на патенты с начала переходного периода, хотя сами патенты не могут выдаваться до завершения переходного периода. Если правительство дает разрешение на маркетинг продуктов фармацевтической и агрохимической технологии в течение переходного периода, оно должно, «при соблюдении определенных условий», предоставить эксклюзив-


ное право на маркетинг на пять лет или до конца срока действия патента, если срок действия патента не превышает пяти лет.

За некоторым исключением, общее правило заключается в том, что принятые в соответствии с соглашением обязательства распространяются на права интеллектуальной собственности, действующие по состоянию на конец переходного периода данной страны, а также на новые права интеллектуальной собственности. Контроль за выполнением положений ТРИПС странами-участницами осуществляется Советом по ТРИПС.

Совершенно очевидно, что авторские права, патенты, торговые марки и т.д. относятся к различным произведениям, художественного и технического творчества. В силу этого отличаются и предъявляемые к ним требования.

Чтобы защитить патенты, промышленные дизайны, дизайны полупроводниковых микросхем, указания на место производства товаров и торговые марки, их необходимо регистрировать. Регистрация включает описание объекта, подлежащего защите (изобретения; дизайна, фирменного знака, логотипа и т.д.), причем содержание описания доступно для всех потребителей.

Соглашение определяет, какие виды знаков подлежат защите в качестве





торговых марок (торговые марки) и в чем заключаются минимальные права их владельцев. Подтверждается, что сервисные торговые марки должны защищаться точно так же, как и торговые марки товаров. На марки, пользующиеся известностью в отдельно взятой стране, распространяются дополнительные меры защиты.

Указания о месте производства товаров (географическое название-название продукции) иногда используются для обозначения товара. В качестве широко известных примеров можно привести такие названия, как «Шампанское», «Шотландское виски», «Водка», «Текила» или сыр «Рокфор» и др. Производители пива и крепких спиртных напитков особенно заинтересованы в правильном использовании географических названий, поэтому в соглашении ТРИПС включены отдельные положения, касающиеся таких видов продукции. Но вопрос о географических названиях в равной мере касается и других видов товаров.

Указание на место производства (своего рода «географическое обозначение») включает как место изготовления этого товара, так и его специфические характеристики. Поэтому использование географического названия (указание места производства) для обозначения товара, произведенного в другом месте и не обладающего качественными характеристиками оригинального продукта, может дезориентировать по-

ребителя и стать причиной недобросовестной конкуренции. Соглашение ТРИПС предусматривает, что государства-участники должны препятствовать неправильному использованию географических названий (указаний на место производства).

Для вин и крепких спиртных напитков соглашением ТРИПС предусмотрены более строгие меры защиты, включая и те случаи, когда отсутствует опасность дезориентации потребителя.

Возможны и исключения, в частности, в тех случаях, когда название уже защищено в качестве торговой марки или используется в нарицательном смысле. Например, название сыра «чеддер» в наши дни относится к определенному сорту сыра, не обязательно изготовленному в Чеддере. Вместе с тем любая сторона, желающая прибегнуть к исключению такого рода, должна согласовать этот вопрос с другой заинтересованной стороной, которая, возможно, пожелает воспользоваться правом защиты географического названия (указания на место производства). Соглашение предусматривает дальнейшее обсуждение этого вопроса в рамках ВТО, цель которого-создать международную систему уведомления и регистрации, географических названий вин.

По соглашению ТРИПС защита патентов (патенты) на изобретения осуществляется в течение не менее 20 лет. Патенты распространяются на продук-

ты и технологические процессы практически во всех областях науки и техники. Правительства могут воспользоваться правом отказа в патентовании, если изобретение или его коммерческое использование должно быть запрещено из соображений охраны общественного порядка и защиты нравственности. Запрет на патентование может распространяться также на диагностические и терапевтические средства, хирургические методы, растения и животные (исключая микроорганизмы), а также на биотехнологические процессы производства растений и животных (исключая микробиологические процессы).

Вместе с тем защита продуктов растениеводства может осуществляться благодаря патентованию или специальной системе (например, системе правил, предусмотренной конвенциями Международного союза защиты новых видов растений). Соглашение ТРИПС определяет минимум прав, которыми пользуется владелец патента. При этом возможны некоторые исключения. Владелец патента не может злоупотреблять предоставленными ему правами, например, отказаться представить изо-

бретенный им продукт на рынок. Соглашение предусматривает, что для разрешения таких ситуаций правительство может воспользоваться правом выдачи «обязывающих лицензий», позволяющих конкурентам производить продукт или использовать технологические процессы, предусматриваемые такими лицензиями. Но подобные меры могут быть приняты только при определенных условиях, призванных защитить законные интересы владельца патента.

В случаях патентования производственных процессов права защиты распространяются и на продукты, полученные непосредственно в результате данного производственного процесса. При определенных условиях лица, заподозренные в нарушении прав владельцев патентов, должны по решению суда доказать, что они не использовали запатентованный технологический процесс.

Об информации, не подлежащая разглашению и профессиональные тайны можно сказать следующие. Профессиональные тайны и другие виды «информации, не подлежащей разглашению» коммерческого характера должны подлежать защите от посяга-





тельств на конфиденциальность и других действий, противоречащих этике деловых отношений. Для защиты такого рода информации должны приниматься обоснованные и разумные меры. Так, данные исследований фармацевтических и агрохимических препаратов, переданные государственным учреждениям для выдачи разрешений на их применение, также должны подлежать защите от недобросовестного коммерческого использования.

Отмена лицензионных контрактов, препятствующих свободной конкуренции. Владельцы авторских прав, патентов и иных форм интеллектуальной собственности могут выдавать лицензии другим лицам на право воспроизводства или копирования защищенных торговых марок, творческих произведений, изобретений, дизайнов и пр. Соглашение ТРИПС содержит упоминание о том, что условия лицензионных контрактов иногда препятствуют свободной конкуренции и распространению технологий. Соглашение предусматривает, что при определенных условиях правительства имеют право предпринимать действия по профилактике лицензирования, злоупотребляющего правами интеллектуальной собственности. Соглашение

также предлагает правительствам проводить консультации по мерам контроля за лицензированием, препятствующим свободной конкуренции.

Исходя из вышеуказанных можно сделать следующие выводы. Необходимо не только иметь законы об охране интеллектуальной собственности, но и систему надзора за их исполнением. Этой проблеме посвящен Раздел 3 соглашения ТРИПС. Соглашение содержит положение о том, что государства-члены должны обеспечить охрану прав интеллектуальной собственности в соответствии с действующим в этих странах законодательством и что необходимы достаточно строгие санкции, направленные на профилактику правонарушений. Порядок рассмотрения дел о правонарушениях должен отличаться объективностью при равном учете интересов сторон, по возможности несложным и недорогостоящим. При этом следует избегать неоправданных ограничений во времени и отсрочек рассмотрения дел. Участвующие стороны должны обладать правом направлять апелляции о пересмотре решения и просить о рассмотрении дела в суде более низкой инстанции.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ТИЗИМИДА ГУМАНИТАР ВА МАДАНИЙ СОҲАДАГИ УНИВЕРСАЛ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



**Абдулхай
МУМИНОВ,**
Юридик
фанлари
номзоди,
доцент

Гуманитар ва маданий соҳадаги халқаро ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти хусусида, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ихтисослашуви хусусида фикр юритилганда, авваломбор, фаолият йўналиш бўйича умумий ваколатли ҳамда аъзолиги бўйича универсал халқаро ташкилот ҳисобланмиш - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) га алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, чунки у ҳозирги замон дунёсининг ажралмас бўлаги бўлиши билан бир қаторда, жаҳондаги мавжуд халқаро тартиботнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган ҳамда халқаро ташкилотлар глобал тизимининг ўзига хос ядроси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутади”.

БМТ Устави халқаро-ҳуқуқий тартиботнинг асосий мақсад ва принципларини мустаҳкамлаб қўйган ва уларга императив куч бағишлаган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Шу маънода, БМТ Устави аксарият ҳолларда халқаро ҳамжамият конституцияси деб аталиши бежиз эмас.

Халқаро муносабатларнинг ривожланишида БМТнинг тутган ўрни ва аҳамияти жуда катта бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқида, шундай тавсиф берган эди: «БМТ – барча элатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир». Бу муаммолар қандай эканлигини, унинг таъсис ҳужжатида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларидан билиш мумкин. Жумладан, БМТни универсал ташкилот сифатидаги мақсадлари, ташкилот Уставининг 1-боб, 1-моддасида кўрсатиб

ўтилган бўлиб, унинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборатдир:

биринчи, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш;

иккинчи, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида халқларнинг ўзлари белгилаганларидек миллатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиради;

учинчи, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишни амалга оширади, инсон ҳуқуқлари ҳамда асосан унинг эркинлигига ҳурматни рағбатлантиради;

тўртинчи, миллатларнинг ушбу умумий мақсадларга эришувида ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг марказида бўлади.

Учинчи мақсадни таҳлил қиладиган бўлсак, унда БМТ фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характерини кўришимиз мумкин. Яъни, мазкур йўналишда, давлатлараро ҳам-



корликда анъанавий соҳалари бўлмиш тинчлик, хавфсизлик, сиёсий, иқтисодий соҳалар, каби ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳалар ҳам халқаро-ҳуқуқий тартиботнинг объектига айланмоқда ва мазкур йўналишда БМТ халқаро муносабатларда асосий мувофиқлаштирувчи ташкилот сифатида ўртага чиқмоқда.

Ушбу мақсадларга эришиш учун БМТ қуйидаги принципларга асосланади:

1. Суверен тенглик;
2. БМТ Устави бўйича мажбуриятларни сидқидилдан бажариш;
3. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш чоғида халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига қўймаслик;
4. Ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлигига ёки сиёсий мустақиллигига қарши ва шунингдек БМТ мақсадларига хилоф бўлган бошқа вазиятларда ҳам, халқаро муносабатларда куч билан ёхуд уни қўллаш билан таҳдид этишдан воз кечиш;
5. БМТ ўз уставига мувофиқ қўллайдиган барча саъй-ҳаракатларида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳамда у огоҳлантирувчи ёхуд мажбурловчи мазмундаги чоралар қўллаётган ҳар қандай давлатга ёрдам кўрсатишдан тийилиб туриш;

6. БМТ аъзоси бўлмаган давлатлар ҳам унинг принципларига мувофиқ равишда ҳаракат қилишини таъминлаш, чунки бу халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш учун қўл келиши мумкин;

7. БМТнинг аслида давлатлар ички ваколатларига мансуб бўлган ишларига аралашмаслиги.

БМТ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. тинчлик ва хавфсизликни сақлаш;
2. турли соҳаларда давлатлар ҳамкорлигини таъминлаб бериш;
3. инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
4. халқаро ҳуқуқни ривожлантириш ва уни кодификациялаш.

Жаҳон ҳамжамиятининг юқори ва кенг қамровли форуми сифатида БМТни ташкил этиш арафасида, у билан боғлиқ ихтисослашган муассасаларни ҳам ташкил этиш кўзда тутилиб, уларнинг ваколатлари доирасига тегишли масалалар юкланган, шунингдек, муайян функцияларни бажариши лозим бўлган органларни ташкил этиш ҳам режалаштирилган эди. Шу тариқа халқаро майдонда «БМТ тизими» шаклланди.

БМТнинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги қуйидагиларда акс этади: БМТ давлатлар ва бошқа халқаро ташкилотлар билан шартномалар тузиши ва



уларга сўзсиз бажаришларини талаб этиши мумкин. Жумладан, унинг бундай шартномалар тузиш билан боғлиқ ҳуқуқий субъектлиги БМТ Уставининг 17-, 26-, 28-, 32-, 35-, 43-, 53-, 57-, 63-, 64-, 77-, 79-, 83-, 85-, 93-моддаларида ўз аксини топган. Шунингдек, Уставнинг 104-моддасида «Ташкилот, ўз аъзоларининг ҳудудида, унинг вазифалари ва мақсадларига эришиш учун зарурий бўлган ҳуқуқий субъектликдан фойдаланади», деб Ташкилотнинг функционал ҳуқуқий субъектлиги белгилаб қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши ҳақида фикр юритадиган бўлсак, у қуйидаги асосий органлардан иборат: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши, Халқаро Суд, Котибият ва турли хил доимий ва процедура қўмиталари ҳамда бошқа ёрдамчи органлари мавжуд.

БМТ тизимида бошқа ёрдамчи, конвенциявий органлар билан бир қаторда, мустақил халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар сифатида, унинг ихтисослашган муассасалари ҳам киради. БМТнинг ихтисослашган муассасалари – доимий ишловчи халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар бўлиб, улар таъсис ҳужжатлари (низомлар, шартномалар) доирасида чекланмаган муддатда ишлайди ва улар иқтисодий, ижтимоий ва маданий-гуманитар мазмундаги муассасаларга бўли-

нади.

БМТ Уставининг 57-, 59-, 63-, ва 70-моддаларида БМТнинг асосий йўналишлари ва халқаро ташкилотларга кирувчи ихтисослашган муассасалари ҳуқуқий ҳолатлари ва уларнинг ташкилот билан ўзаро муносабатлари келтириб ўтилган.

БМТ Уставининг 57-моддасида ҳукуматларо келишувлар асосида ташкил этилган иқтисодий, ижтимоий, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва шу каби бошқа соҳаларда таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ихтисослашган муассасаларнинг БМТ билан алоқаси, ушбу ташкилот уставининг 63-моддасига кўра ўрнатилиши кўзда тутилади.

Мисол учун, БМТ ва ЮНЕСКО ўртасидаги битим (1962 йил кучга кирган)нинг 1-бандида БМТ Уставининг 57-моддасига ва ЮНЕСКО Уставининг IV моддаси 5-бандига асосан таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган ташкилот сифатида ЮНЕСКО БМТ билан ҳамкорлик алоқаларига киришиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Мазкур битимнинг I-моддасига биноан, БМТ ЮНЕСКОни, мазкур Ташкилот Уставида белгилаб қўйилган мақсадларига эришиши учун зарур бўлган чора-тадбирларни ўтказиш учун масъул бўлган ихтисослашган ташкилот сифатида эътироф этиши белгилаб қўйилган.

БМТ Уставининг 63-моддасига кўра

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳар қандай ихтисослашган муассаса билан уларнинг қай тарзда БМТ билан алоқага киришуви шартларини белгилаб берувчи шартномага киришлари мумкин.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш истисослашган муассасалар фаолиятини улар билан маслаҳатлашуви ва шу муассасалар ҳамда Бош Ассамблея ва БМТ аъзоларига тавсиялар бериш орқали мувофиқлаштириб боради. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга ихтисослашган муассасалардан мунтазам равишда ҳисобот олиб туриш, БМТ аъзолари ва ихтисослашган муассасалар билан Бош Ассамблеянинг тавсияларига кўра ижтимоий-иқтисодий ҳуқуққа оид тадбирлар ҳақидаги ҳисоботлар олиб туриш ҳақида шартномалар тузиш вазифалари юклатилган.

БМТ Уставига мувофиқ, Бош Ассамблея ва Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ихтисослашган муассасалар сиёсати ва фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида тавсиялар беради (58-модда).

Уставнинг 70-моддасига асосан, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш тегишли масалаларни муҳокама қилиш учун ихтисослашган муассасалар вакиллари Кенгаш ёки унинг комиссиялари ишида иштирок этиш учун чақириши ҳамда ўз вакиллари ихтисослашган

муассасаларга муҳокама қилиш учун юбориши мумкин.

БМТ Уставнинг 17-моддасига биноан Бош Ассамблея ихтисослашган муассасалар билан бўладиган ҳар қандай молиявий ва бюджет шартномаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, манфаатдор муассасаларга тавсиялар бериш учун уларнинг маъмурий бюджетини текширади.

Шундай қилиб, БМТнинг ихтисослашган муассасалари - бу универсал характерга эга бўлган, ҳар қандай давлат учун очиқ, давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш учун махсус шартномалар воситасида БМТ томонидан алоқага киритилган халқаро (давлатлараро) ташкилотдир.

БМТнинг ихтисослашган муассасалари фаолияти қуйидаги шаклларда ривожланади:

биринчидан, *махсус соҳаларда давлатлар муносабатларини тартибга солиш учун бир хил нормалар ва қоидалар яратиш мақсадида махсус масалалар бўйича халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш, масалан, алоқада, соғлиқни сақлашда, маданиятда ва бошқаларда;*



иккинчидан, ушбу соҳаларда давлатлар фаолиятларини мувофиқлаштириш;

учинчидан, мамлакатларга ўз фаолиятлари доирасида техник ёрдам кўрсатиш;

тўртинчидан, ахборот алмашиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари тизимида қуйидагилар киради:

1. Халқаро меҳнат ташкилоти-ХМТ (International Labour Organization-ILO).

2. Бирлашган Миллатларнинг таълим, фан ва маданият масалалари ташкилоти-ЮНЕСКО (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization-UNESCO).

3. Халқаро электр алоқаси иттифоқи-ХЭАИ (International Telecommunication Union-ITU).

4. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти-БССТ (World Health Organization –WHO).

5. Бутунжаҳон метеорология ташкилоти-БМТ (World Meteorological Organization –WMO).

6. Бутунжаҳон почта ташкилоти-БПТ (Universal Postal Union-UPU).

7. Халқаро фуқаро авиацияси

ташкилоти-ХФАТ (International Civil Aviation Organization-ICAO).

8. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти-БИМТ (World Intellectual property organization-WIPO).

9. БМТнинг Озиқ-овқатлар ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти-ФАО (Food and Agricultural Organization of the United Nations).

10. Халқаро қишлоқ хўжалик тараққиёти жамғармаси-ҲҚХТЖ (International Fund for Agricultural Development-IFAD).

11. Халқаро валюта жамғармаси-ХВЖ (International Monetary Fund-IMF).

12. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки-ХТТБ (International Bank for Reconstruction and Development-IBRD).

13. Халқаро молия корпорацияси-ХМК (International Finance Corporation-IFC).

14. Бирлашган Миллатларнинг саноат тараққиёти ташкилоти-ЮНИДО (United Nations Industrial Development Organization-UNIDO).

15. Халқаро тараққиёт ассоциацияси-ХТА (International Development Association-IDA).

16. Халқаро денгизлар ташкилоти-ХДТ (International Maritime Organization-IMO).

17. Халқаро атом энергияси агентлиги-АЭХА (МАГАТЭ) (International Atomic Energy Agency-IAEA).

И.И.Лукашук ва А.Х.Саидовлар ушбу ихтисослашган ташкилотларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб таснифлайди:

1) ижтимоий мазмундаги ташкилотлар (Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти);

2) маданий ва гуманитар мазмундаги ташкилотлар (ЮНЕСКО, Бутун Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти);

3) иқтисодий ташкилотлар





(ЮНИДО);

4) молия ташкилотлари (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестициялар кафолатлари бўйича кўп томонлама агентлик);

5) қишлоқ хўжалиги соҳасига доир ташкилотлар (ФАО, ИФАД);

6) транспорт ва алоқа соҳасига доир ташкилотлар (ИКАО, ИМО, Жаҳон почта иттифоқи, Халқаро электр алоқаси иттифоқи);

7) Метеорология соҳасига доир ташкилот (Жаҳон метеорология ташкилоти).

Мазкур таснифдан келиб чиққан ҳолда, бизнинг тадқиқот объекти ҳисобланмиш маданий ва гуманитар мазмундаги ташкилотлар таркибига таълим, фан, маданият ҳамда интеллектуал мулк масалалари бўйича давлатларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга ихтисослашган ташкилотлар - ЮНЕСКО ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти фаолияти ва ихтисослашувига қисқача тўхталиб ўтамиз.

БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти – ЮНЕСКОнинг бош вазифаси - адолат, қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни таъминлаш йўлида халқларнинг кенг ҳамкорлигини ривожлантиришга асосланиб, инсонлар онгида тинчлик ғоялари ва умуминсоний қадриятларни сингдириш ҳисобланади.

ЮНЕСКО умумий қадриятларни ҳурмат қилишга асосланган ҳолда цивилизациялар, маданиятлар ва халқлар орасида мулоқот учун шарт-шароитлар яратиш устида иш олиб боради. Ушбу мулоқот воситасида дунё, ЮНЕСКОнинг миссияси ва фаолиятининг асосий мазмуни бўлмиш инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, ўзаро ҳурмат қилиш ва қашшоқликнинг оғир юкини камайтиришни қамраб олувчи барқарор ривожланишнинг глобал тушунишга келиши мумкин.

Ташкилотнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни, фаолиятини асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тинчликни ўрнатиш;

иккинчидан, билимларни тарқатиш, ахборот алмашиш ва одамлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар;

учинчидан, инсон ва жамиятнинг ривожланиши;

тўртинчидан, инсон ва табиат ўртасида мувозанат ва уйғунлик.

ЮНЕСКО ҳозирги кунгача таълим, фан ва маданият масалаларига бағишлаб, 70 дан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиққан ва қабул қилган ҳамда бу ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни давлатлар томонидан бажарилишини мониторинг қилиб боради. Шу билан бир қаторда, давлатларнинг мазкур йўналишлардаги фаолиятини ривожлантириш юзасидан



давлатларга моддий ва маънавий кўмак бериб келади.

ЮНЕСКО ташкилотининг ўзига хос хусусиятларини куйидаги, яъни Ташкилотнинг Ўзбекистондаги асосий мақсад ва вазифаларда ҳам кўриш мумкин:

ЮНЕСКОнинг миссияси, дунёда тинчликни ўрнатиш, қашшоқликни йўқ қилиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, таълим орқали маданиятлараро мулоқот тузиш, фан соҳаларини ривожлантириш, халқаро маданий ва маълумот алмашинувига ёрдамлашиш каби соҳаларда фаолият юритади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолияти унинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси, Бош идораси, Бангкок, Жакарта ва Олмотадаги минтақавий ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистондаги миллий ЮНЕСКО Комиссияси томонидан режалаштирилади ва бошқарилади.

ЮНЕСКО таълим, ижтимоий ва гуманитар фанлар, маданият, ахборот ва маълумот технологиялари соҳаларида ўз фаолиятини юритади. Жумладан, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси:

- таълим соҳасида, мамлакат ҳукуматини таълим соҳасининг сифатини ошириш, мазкур соҳада тегишли андозалар, стандартларни жорий этиш, турли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, мутасадди ташкилотларнинг салоҳиятини ошириш борасида қўллаб-қувватлайди;

- фан соҳасида алоҳида дастур

доирасида ер ва сув ресурсларидан тежамкорона, оқилона фойдаланиш имконини берувчи технологиялар, билим ва кўникмаларни ҳаётга тадбиқ этишга интилади; шунингдек биологик хилма-хилликни асраш ва янгиланувчи муқобил энергия манбаларини жорий этиш, турли соҳаларда, хусусан ерларнинг таназзулга учраши ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар юзасидан тадқиқотларни амалга оширишда Ўзбекистонга ўз ёрдамини бериб келмоқда;

